

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НАРИМОНОВА САИДА НАРИМОН ҚИЗИ

ҲАЗНАЧИЛИК ҲАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
(НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

5А 140901 - Касб таълими (Молия)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

проф. Б.Ж.Маҳмудов

“Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди”

Кафедра мудири:

доц. А.Юлдашев

НАМАНГАН - 2011

Мундарижа

Кириш.....	3
1-боб. Ғазначилик фаолиятининг назарий асослари	
1.1. Ғазначилик фаолиятини моҳияти ва аҳамияти.....	8
1.2. Ғазначилик фаолиятининг функциялари ва вазифалари.....	26
1.3. Ғазначилик фаолиятининг меъёрий ҳуқуқий асослари	37
2-боб. Ўзбекистонда ғазначилик фаолияти ташкил этилиши ва ундаги долзарб масалалар	
2.1. Ўзбекистонда Ғазначилик фаолияти ташкил этилиши механизми.....	45
2.2. Ғазначилик шароитида давлат бюджетини бошқариш.....	52
2.3. Ягона ғазна ҳисобварағи ва ундан тўловларни амалга ошириш.....	59
3-боб. Наманган вилоятида ғазначилик фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишлари	
3.1. Наманган вилоятида Ғазначилик фаолиятини ташкил этилиши ва унинг таҳлили.....	65
3.2. Ғазначиликда операциялар назоратини такомиллаштириш.....	73
3.3. Ғазначилик фаолиятини ахборотлар билан таъминлашни такомиллаштириш.....	86
Хулоса.....	96
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	101

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мажмуида давлат молиясини бошқаришнинг янги тизimini шакллантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолган эди. Шунинг учун, мамлакатимизда қатор йиллар мобайнида давлат молиясини бошқариш тизими ислоҳ қилиб келинмоқда.

2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади. Бу ўтган йилга қараганда сезиларли даражада кўпдир. Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун ана шу харажатларнинг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 трлн. 800 млрд. сўм кўп маблағ сарфланади¹.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимининг жорий қилиниши бюджет маблағлари олувчиларини ғазначилик ҳукмронлигига боғлаб қўймайди, балки давлат бюджети маблағларининг бюджет интизомига қатъий риоя қилган ҳолда сарфланишини таъминлайди холос. Яъни муассаса ва ташкилотлар - бюджет маблағларини олувчилар - ўзларига ажратилган маблағларни фақат бюджетда кўзда тутилган, бюджет маблағларидан фойдаланувчиларнинг харажатлар сметасига киритилган ва молия органларида рўйхатга олинган мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Бюджет ижросини ғазначилик тизимига ўтиши иқтисодиёт ислохотлари орасида энг улкан ишлардан экан, ғазначилик фаолияти ташкил этиш ва ривожлантиришнинг барча жиҳатларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Мавзунинг ўрганилганлиги даражаси. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизimini ислоҳ қилиш ва маҳаллий бюджетларни самарали

¹ И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маъруза, Халқ сўзи газетаси 2011 йил 22 январ сони.

бошқаришнинг ва шу билан бир қаторда ғазначилик фаолиятини йўлга қўйиш, ҳозирги кундаги амалиёти, иқтисодчилар олдига унинг қатор янги муаммоларига ечим топишини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ғазначилик тизимини тараққиётининг ҳозирги босқичи давлатнинг яхлит бюджет ва ижтимоий сиёсатининг манфаатлари муштараклигини таъминлаш асосидаги ўта маъсулиятли вазифаларни самарали бажарилишини талаб этмоқда.

Республика ҳамда маҳаллий бюджетлар ижросида Ғазначилик тизимини ташкил этиш ва йўлга қўйиш масалалари буйича чет эл иқтисодчи олимлардан Н.В.Миляков, Г.Б.Поляк, проф. А.М.Ковалёва, проф. Л.А.Дробозина, проф. В.Врублёвский, проф. Б.М.Сабанти, М.В.Романовский ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Бу борада чуқур изланиш олиб борган мамлакатимизнинг етук олимларидан М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, Ю. Додобоев, А.В. Ваҳобов, Г.А. Қосимова, Х.Н. Жамолов, У. Абруев, М. Ҳайдаров, Т. Эшназаровларнинг ўқув қўлланмаларида ғазначиликнинг моҳиятини тушунарли қилиб ёритиб берилган.

Шунингдек, республикамиз иқтисодчи-олимлари ва амалиётчиларидан иқтисод фанлар номзоди Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик услубиёти, молиявий ресурслар ва ҳисоб-китоблар бошқармаси бошлиғи У.Абруев, иқтисод фанлар номзоди Д.Пўлатов, М.Ҳайдаров, Т.Эшназаров, Т.Қўчқаров ва тадқиқотчи Н.Мезелитдиновлар шу мавзу асосида ўзларини илмий изланишларини олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бир қатор етакчи мутахассислардан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Б.Бўронов, Молия вазирлиги Тошкент вилояти назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи БМА изланувчиси Ҳ.Жамалов, Наманган вилояти Ғазначилик бош бошқармаси бошлиғи Т.Юсупов ҳамда Давлат бюджети бош

бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари К.Абдурахимов томонидан қатор изланишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ҳазначилик фаолиятини ташкил этилиши, Ҳазначилик ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан касса ижросининг тартибга солиниши, бюджет мажбуриятлари ва Ҳазначилик тизимида бухгалтерия ҳисоб-китобларини ташкил этилиши, Ҳазначилик тизими учун кадрлар тайёрлаш, ҳуқуқий-меъёрий база яратилиши, ахборот дастурлари таъминотига эришилиши масалалари юзасидан мутахассисларимиз илмий ишлар олиб бормоқда.

Ҳазначилик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг умумий асосларини тадқиқ қилиш, ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ечимларини топишдан иборат. Ушбу мақсадларга эришишда қуйидаги вазифаларни бажариш тадқиқот олдига қўйилди:

- Ҳазначилик фаолиятини мазмунини ёритиб бериш;
- Ҳазначилик фаолиятининг меъёрий ҳуқуқий асосларини ўрганиб чиқиш;
- Ҳазначилик тизимида ягона ҳисоб-варағи ва ундаги тўловларни амалга оширишни асослаб бериш
- Наманган вилоятида Ҳазначилик фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари илмий тадқиқ этиш.

Илмий тадқиқот объекти сифатида Наманган вилояти ҳудудий Ҳазначилик бўлинмалари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг методологияси ва усуллари. Диссертация ишининг умумназарий асоси сифатида классик иқтисодий назария, шунингдек Президент И. А. Каримов асарларида баён қилинган, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг зарурлиги, моҳияти ва йўналишлари асоси бўлиб хизмат қилаётган илмий ғоялар олинган. Мавзунини илмий тадқиқ этишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив ҳужжатлари амалий асос қилиб олинди.

Тадқиқотда маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва таққослаш, мантиқий тақлил, монографик тадқиқ этиш, статистик ва молиявий ҳисоботларни таҳлил этиш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациядаги тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- ғазначилик фаолиятини мазмунини ёритиб бериш;
- ғазначилик фаолиятининг меъёрий ҳуқуқий асосларини ўрганиб чиқиш;
- ғазначилик тизимида ягона ҳисоб-варағи ва ундаги тўловларни амалга оширишни асослаб бериш
- Наманган вилоятида ғазначилик фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари илмий тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертацияси доирасида амалга оширилган илмий тадқиқотнинг қуйидаги жиҳатлари амалий аҳамиятга эга:

- давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмини касса ижросининг ҳар кунги мониторингини ўтказишга;
- вақтинчалик ҳаракатда бўлмаган бюджетнинг эркин маблағларини, молия бозорларда самарали жойлаштириб, ундан олинган даромадни эса бюджет харажатларини тўлиқ молиялаштиришга, бюджет тақчиллигини камайтиришга ва давлат қарзлари тўловига йўналтирилганлиги;
- ғазначилик фаолиятидаги муаммолар ечимларини асослаб берилганлиги.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган.

Диссертация кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлиги даражаси, тадқиқотнинг мақсадлари ва вазифалари, тадқиқот объекти, тадқиқотнинг методологияси ва усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида Ғазначилик фаолиятини назарий асослари, яъни моҳияти, аҳамияти, функция ва вазифалари ҳамда меъёрий ҳуқуқий асослари илмий тадқиқ этилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида Ғазначилик фаолиятини ташкил этилиши ва ундаги долзарб масалалар илмий тадқиқ этилган.

Учинчи бобда Наманган вилоятида ғазначилик фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишлари ёритилган.

Ишнинг хулоса қисмида диссертациядаги илмий тадқиқотнинг муҳим натижалари баён этилган.

1-боб. Ғазначилик фаолиятининг назарий асослари

1.1. Ғазначиликнинг фаолиятининг моҳияти ва зарурлиги

Мамлакатимиз давлат мустақиллигини қўлга киритган барча соҳаларда олиб борилган ислохотларнинг тўғри ва аниқ ташкил этилганлиги туфайли кутилган натижалар қўлга киритилмоқда. Айни шароитда жаҳонда юз бераётган глобал молиявий инқироз шароитида ҳам мамлакатимизда 2010 йил якунлари бўйича аксарият ўсиш суръатлари кузатилганлиги бунинг яққол исботидир.

“...Биз бугун 2010 йил якунларини баҳолар эканмиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этишимиз зарур”, деб эътироф этадилар мамлакатимиз раҳбари 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йуналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида².

Хусусан, 2010 йилда юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди.

Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди.

Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаганда, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 каррани ташкил қилди.

² И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маъруза, Халқ сўзи газетаси 2011 йил 22 январ сони.

Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Иқтисодиётимизда 2010 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошди, ўтган йилда инфляция даражаси 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилди. Бу авваламбор қатъий, шу билан бирга, пухта ўйланган пул-кредит сиёсати ва инқирозга қарши қўрилган самарали чора-тадбирларнинг натижасидир.

Айтиш керакки, бундай иқтисодий ўсиш кўп жихатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ. Жумладан, 2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун яғо-на тўлов 7 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шу борада ўтган йили Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

2010 йилда ташқи савдо ва тўлов баланслари ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси эса 1,8 баробар ошди ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди. Мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси ҳам шунга мувофиқ равишда кўпайди³.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир қатор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилди.

³ И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маъруза, Халқ сўзи газетаси 2011 йил 22 январ сони.

Мамлакатимизда бюджет тизимини ислоҳ қилишнинг ўзига хос энг асосий хусусиятлари ғазначилик тизимининг ташкил этилишида намоён бўлди. Мамлакатимизда бозор муносабатлар ривожланиши шароитида бюджет тизимнинг ғазначилик тизимини жорий этишда бюджет тизимини ислоҳ қилиш объектив зарурати сифатида намоён бўлди.

Айни пайтда ғазначилик тизимига ўтишгача бўлган даврда бюджет ижроси жараёни икки босқични ўз ичига олади: бюджет тушумларини тақсимлаш ва бюджет маблағларини давлат бюджети маблағларини олувчилар ҳисоб рақамларига ўтказиш. Давлат бюджети маблағларининг кейинги тақдири бутунлай фойдаланувчиларнинг ихтиёрига боғлиқ. Давлат бюджети маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланилишини эса бухгалтерия ҳисоботи орқали текшириш мумкин, аммо ушбу ҳисоботнинг ўзи кейинги қабул қилинган халқаро стандартларга мослаштирилиши лозим.

Хусусан, 2006 йил бошига келиб бюджет ташкилотларининг банклардаги ҳисоб рақамлари 110 мингдан ошиб кетди. Уларнинг 70 фоизи тижорат банкларига очилганини ҳисобга олсак, пул маблағлари мониторингини ўтказишнинг имкони йўқлиги яққол кўринади⁴. Бундай шароитда, яъни ҳисоб рақамларининг сони кўп бўлиб, улар турли банклар бўйлаб «тарқалиб» кетганда, давлат бюджети маблағларини самарали бошқаришнинг, бошқача айтганда, уларнинг биринчи навбатда долзарб мақсадларда фойдаланилишини назорат қилиш деярли мумкин эмас. Ғазначилик тизимини жорий қилмасдан давлат бюджети маблағлари мониторингини ўтказиш ва самарали бошқаришни таъминлашнинг имкони ҳам, механизмлари ҳам ва хаттоки асослари ҳам йўқ. Бозор ўзгаришларини жадаллаштириш ҳамда мамлакатда ижтимоийиқтисодий муносабатларни либераллаштириш шароитида «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан давлат бюджетининг

⁴ Ҳайдаров М., Эшназаров Т. Ғазначилик тизимининг аҳамияти. Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. 2007 йил 1 сон, 19 бет.

ғазначилик ижроси тизимиға ўтиш вазифаси Ўзбекистонда усгувор аҳамият касб этди.

Ғазначилик тизими давлат молиясини самарали бошқариш учун ҳам, ундан оқилона фойдаланилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш учун ҳам замин яратади. Буни эса қуйидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, ғазначилик давлат бюджетининг ижроси жараёнида юзага келадиган даромад ва харажатларни ўз ҳисобварақларида жамлайди. Иккита қарамақарши молиявий оқимларнинг битта органда жамланиши ушбу жараённи сезиларли даражада тезлаштиради. Маблағларнинг Ягона Ғазна ҳисобварағига солиқ ва солиқ бўлмаган даромадлар кўринишида келиб тушиши молиявий ресурсларни оператив бошқариш ва давлат бюджети харажатларини ўз вақтида тулаш учун барқарор база яратади.

Иккинчидан, дастлабки назоратни амалга ошириш учун шароит юзага келади. Яъни давлат бюджетининг мақсадли ва тўғри фойдаланилиши кейинги назорат ўрнатиш орқали амалга оширилмайди, бюджет маблағлари кўзда тутилмаган мақсадлар учун ажратилмайди. Ғазначилик эса мазкур вазифани амалий бажаришга анча яқинлашди. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун кучга кириши билан ғазначилик органларининг ҳисоб регистрларида барча бюджет маблағларини олувчиларнинг шахсий ҳисоб рақамлари босқичма босқич очилади. Тегишлича, бюджет маблағларини олувчиларнинг бошқа банк муассасаларидаги ҳисоб рақамлари ёпилади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимининг жорий қилиниши бюджет маблағлари олувчиларини ғазначилик ҳукмронлигига боғлаб қўймайди, балки давлат бюджети маблағларининг бюджет интизомига қатъий риоя қилган ҳолда сарфланишини таъминлайди холос. Яъни муассаса ва ташкилотлар бюджет маблағларини олувчилар ўзларига ажратилган маблағларни фақат бюджетда кўзда тутилган, бюджет маблағларидан

фойдаланувчиларнинг харажатлар сметасига киритилган ва молия органларида рўйхатга олинган мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Давлат бюджети ижросининг йиллик режасига давлат бюджети ижроси масалалари билан шуғулланувчи барча органлар учун бажариладиган ишлар рўйхати (хафта ва кунларга ажратилиб) ёзиб қўйилади. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатнинг солиқбюджет сиёсатини белгиловчи орган ҳисобланган Молия вазирлигининг ҳамда унинг бўлинмаси бюджетнинг ижросини таъминловчи ва мазкур сиёсатни амалга оширувчи Ғазначиликнинг ваколатларини чеклашдир. Ғазначилик бюджет ассигнацияларини бошқариш ҳуқуқига эга эмас, бу борадаги барча ҳуқуқлар бюджет маблағларини олувчиларга тегишли. Ғазначилик фақат бюджет маблағларини олувчиларнинг буюртмасига кўра тўловларни амалга оширувчи орган ҳамда назоратни таъминловчи тизимдир.

Ғазначиликни ташкил қилиш лойиҳаси ва пул маблағларини бошқариш тўғрисидаги низомларга кўра, барча бюджет ташкилотлари банклардаги бюджет маблағларини ва бюджетдан ташқари тушган даромадларини юритувчи барча ҳисоб рақамларини ёпиши лозим. Ушбу ҳисоб рақамлари ўрнига Марказий банкда Ягона Ғазна Ҳисобварағи (ЯҒҲ) очилади ва унга барча маблағлар давлат бюджети маблағларини олувчилар буюртмасига кўра ўтказилади ва шу ҳисобварақадан турли тўловлар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги бюджет ташкилотларига уларга бириктирилган давлат мулкидан фойдаланиш ҳамда пуллик хизматлар кўрсатишдан даромад олиш, шунингдек, ушбу маблағларни ўз ихтиёрига кўра мустақил сарфлаш ҳуқуқини беради. Бунда фақат битта талаб қўйилади барча тўловлар ЯҒҲ орқали амалга оширилиши керак. Олинган даромаднинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ тақсимланиши кўзда тутилади. Ғазначилик эса сметаларнинг тўғри тузилганлиги ва тўлдирилганлигини, шунингдек бюджет тавсифлари моддаларига риоя

қилинишини текшириш орқали мазкур маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини назорат қилиши мумкин.

Умуман олганда, ғазначилик органларининг шаклланиши ва ривожланиши тез кечадиган жараён эмас. Чунончи, янги тизимнинг тарафдорларидан ташқари, муҳолифчилари ҳам йўқ эмас. Бундан ташқари, молия органларининг бюджет тушумларини бошқариш бўйича ваколатларини белгилаб берадиган янги тузилмасини яратиш борасида жуда катта ишлар олиб бориш зарур, бу эса қатор бошқарув ташкилотлари ва тузилмалари манфаатларига таъсир қилади, булар қуйидагилардир:

- давлат бюджети маблағларининг асосий олувчилари бўлмиш вазирликлар ва идоралар бюджет маблағлари ҳисобварақлари орқали пул оқимларини бошқариш имкониятидан маҳрум бўладилар, улар фақат идоравий тармоқ бўйича давлат бюджети лимитларини тақсимлаш ҳуқуқини сақлаб қоладилар;
- тижорат банклари ҳисобварақларига давлат бюджети маблағларининг келиб тушиши тўхтайди.

Шу муносабат билан айтиш мумкинки, ғазначилик органлари, давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширар экан, ушбу жараённинг барча иштирокчилари ҳаракатларини назорат остига олади.

Бюджет ижросининг ғазначилик тизимини жорий этиш бўйича вазифаларнинг амалга оширилиши деярли барча давлатларда қабул қилинган тизимни шакллантиришни назарда тутувчи ислохотларга йўналтирилганлиги билан бирга, биринчи галда ниҳоятда юксак иқтисодий ва ижтимоий самара олишни ҳам кўзлайди, Барча даражадаги бюджетларнинг ғазначилик ижросига хос хусусият шундан иборатки, у давлат бюджетини ижро этиш жараёнига унинг иштирокчиларининг салбий таъсирини истисно этади.

Бюджет ижроси ғазна тизимининг тўлиқ жорий этилиши давлат бюджети харажатларининг Ягона Ғазна ҳисобварағидан амалга

оширилишини тақозо этади. Шу тариқа жойлардаги Ягона Ғазна Ҳисобварақларга зарурат қолмайди.

Ғазначилик тизимини тўлиқ жорий этишдан олдин Республика бюджети ва давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари ўртасидаги молиявий муносабатларни тартибга солиш лозим. Бюджетдан ташқари маблағларнинг ишлатилиши устидан назоратни ҳам ғазначилик органларига юклаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, давлатнинг ташқи ва ички қарзларини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш бюджет ижросининг ғазначилик тизимини жорий этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат молиявий ресурсларини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳаси доирасида ғазначилик тизимини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Унда, биринчи навбатда, давлат молиясини бошқаришнинг илғор ахборот тизимини яратиш кўзда тутилган. Мазкур дастурнинг тадбиқ этилиши давлатнинг бюджет ва бгаджетдан ташқари маблағларини реал вақтда тўлиқ ҳисобга олинишини, давлат бюджети ижроси жараёнининг тизимли назорат қилинишини, давлат бюджети маблағларини, улар ЯҒҲ га тушган вақтдан бошлаб, давлат буюртмасининг сўнгги пудратчи ҳисоб рақамига келиб тушгунча бўлган даврда самарали бошқарилишини таъминлайди. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, ғазначилик тизими Ўзбекистонда мутлақо янги тизим бўлсада, у барқарор ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида жамиятнинг барча соҳаларида, айниқса иқтисодий соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастурлар ишлаб чиқилган. Ушбу дастурларга асосан жамиятимизнинг турли соҳаларида, жумладан таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа соҳаларда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бюджет тизими соҳасида Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” ги Қонуни ва бошқа меъерий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Халқаро валюта жамғармаси ўртасида 2002 йилда имзоланган Меморендумда иқтисодий ислохотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ишлари билан биргаликда давлат харажатларини бошқаришни такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Улар қаторида Республикада ғазначилик тизимини жорий қилиниши энг муҳим вазифа деб эътироф этилиб, у Ҳукуматимизнинг яқин келажақдаги давлат молияси сиёсатининг негизини ташкил этади.

Лойиҳани амалга ошириш ишлари 2002-2006 йилларни қамраб олади. Мана шу муносабат билан 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги 144-сонли "Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси қошида мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилинди ва у ҳозирда иш олиб бормокда.

Лойиҳанинг асосий мақсадлари бу давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш, Давлат бюджетини тайёрлаш жараёнини ислоҳ қилиш ва Давлат бюджети ижросини ғазначилик шаклига ўтиш орқали бюджет маблағларини самарали сарфланишини таъминлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда ғазначилик тизимини жорий этиш жараёни чет мамлакатлар тажрибасини атрофлича ўрганиш ва республикаимизнинг бозор муносибатларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган сиёсатига асосланган ҳолда амалга ошириш режалаштирилди.

Президентимизнинг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори республикамізда ғазначиликнинг ташкилий тузилмасини шакллантиришни ва ғазначиликнинг бош мақсади, асосий вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Ғазначилик тизими - бюджетдан маблағ олувчиларнинг мажбуриятини ижрога қабул қилади ва кейин тақдим қилинган махсулотлар ва кўрсатилган хизматлар учун ғазначилик уларнинг номидан ва уларнинг топшириғига асосан ваколатни ўзига олади ва бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлаш асосида тўловни амалга оширади. Ғазначилик — Давлат бюджетининг ижросини таъминлашнинг бир шакли бўлиб, унда давлат бюджети даромадларини ягона ғазначилик ҳисоб рақамида тўпланишини таъминланади, бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширилади, шунингдек давлат ташқи ва ички қарзларини бошқаришда хизмат кўрсатади ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари пул оқимларини мониторингини олиб боради.

Давлат бюджети ғазначилик ижросига босқичма-босқич ўтиш режаси Ўзбекистон Республикаси ғазначилигини ташкил этиш концепциясига асосан ишлаб чиқилди.

Ғазначиликда бюджет тизимининг барча босқичларида ягона ташкилий-ҳуқуқий асослардан, стандарт ва бюджет технологияларидан фойдаланиш, бюджет маблағларидан тежамли фойдаланиш ва кўзланган мақсадга эришиш учун тегишли меёрий-ҳуқуқий база яратилиши лозим.

Давлат бюджетининг ғазначилик тизими жорий этилиши қуйидаги ижобий натижаларга эришишга имконият беради:

- давлат молиявий ресурсларининг реал ҳажмини ва унинг истиқбол кўрсаткичларини доимий назорат қилиш;
- давлат молиясининг ҳолати тўғрисидаги тезкор ва мунтазам равишда ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш;
- давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмларини касса ижросини ҳар кунги аниқлаштирилган мониторингини ўтказиш;
- тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида бюджет ташкилотларининг товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар олдидаги мажбуриятларини қабул қилиш босқичида дастлабки назоратни амалга ошириш;
- молия органлари томонидан бюджет харажатларини ўз вақтида ва адресли молиялаштириш билан бюджет маблағларини бош тақсимловчилари томонидан суистеъмол қилиш ва нотўғри ишлатишнинг олдини олиш мақсадида жорий назорат олиб бориш;
- бюджет ташкилотлари мажбуриятларни олгандан кейин пул маблағларини ғазначилик ҳисоб рақамидан тўғридан-тўғри товар етказиб берувчилар ҳисоб рақамига ўтказиш орқали пул оқимлари ҳаракатини тезлаштириш ва ўз вақтида тўловни амалга ошириш орқали таъминотчиларни молиявий имкониятларини яхшилаш;
- ғазначилик тизимининг бир поғонасидан иккинчи поғонасига пул маблағлари ўтказишни тезлаштириш орқали бюджет маблағларини тезкор ҳаракат қилинишини таъминлаш ва бошқалар.

Демак, ғазначиликни жорий этишдан асосий мақсад, давлатнинг молиявий ресурсларини самарали бошқаришга таъсир кўрсатишдир. Ғазначилик органлари давлат молиясини бошқаришга таълуқли турли вазифаларни бажарадилар.

Давлат молиясини ғазначилик орқали бошқаришнинг бир қатор йўналишлари мавжуд:

а) бюджет пул маблағларини бошқариш.

Бюджет даромадлари ижросидаги бу фаолиятнинг йўналишлари:

- солиқларни ва бошқа тушумларни йиғиш;
- даромадлардан тушумлар тушишини назорат қилиш;
- тушумларни йиғишда банк билан бўладиган муносабатларни амалга ошириш;
- давлат бошқарув органларининг турли даромадлари ўртасидаги даромадларни тақсимлаш;
- харажатларни молиялаштириш учун талабномаларни тасдиқлаш ва уларни тўловини амалга ошириш;
- ресурсларни тақсимлаш ёки лимитларни белгилаш.

б) Молиявий режалаштириш давлат харажатларини молиялаштириш учун керак бўладиган ғазначиликнинг ягона ҳисоб-рақамига тушадиган тушумларни тахминлаштиришни кўзда тутди.

в) Давлат қарзларини бошқариш.

г) Давлатнинг молиявий активлари устидан назорат қилиш ҳам давлат молиясини бошқаришга таълуқлидир.

Шунинг учун ҳам дунёнинг кўпчилиқ мамлакатларида жорий этилган давлат бюджетининг ғазначилик ижросига ўтиш бизнинг республикамиз учун алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Халқаро валюта жамғармаси ўртасида 2002 йилда имзоланган Меморандумда иқтисодий ислохотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ишлари билан биргаликда давлат харажатларини бошқаришни такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Улар қаторида республикада ғазначилик тизимини жорий қилиниши энг муҳим вазифа деб эътироф этилиб, у Ҳукуватимизнинг яқин келажакдаги давлат молияси сиёсатининг негизини ташкил этади.

Лойиҳани амалга ошириш ишлари 2002-2006 йилларни қамраб олади. Мана шу муносабат билан 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги 144-сонли "Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси қошида мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилинди ва у ҳозирда иш олиб бормокда.

Лойиҳанинг асосий мақсадлари бу давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш, Давлат бюджетини тайёрлаш жараёнини ислоҳ қилиш ва Давлат бюджети ижросини ғазначилик шаклига ўтиш орқали бюджет маблағларини самарали сарфланишини таъминлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда ғазначилик тизимини жорий этиш жараёни чет мамлакатлар тажрибасини атрофлича ўрганиш ва республикаимизнинг бозор муносибатларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодийetni либераллаштиришга қаратилган сиёсатига асосланган ҳолда амалга ошириш режалаштирилди.

Давлат молиясини бошқариш ислоҳ қилиш учун Ҳукумат томонидан ажратилган маблағлардан ташқари Жаҳон банки томонидан – 14,2 млн. долларлик кредит, Япония ҳукумати томонидан – 2,8 млн. доллар, ТАСИС томонидан – 2,8 млн. доллар ва Ислом тараққиёт банки томонидан – 0,2 млн. долларлик грантлар ажратилиши кўзда тутилган.

Ғазначилик тизимини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган асосий ишлар куйидагилардан ташкил топади:

- келгусида бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича барча операциялар турли банкларда очилган кўплаб бюджет ҳисоб рақамлари ўрнига Марказий банкда очиладиган Молия вазирлиги ғазнасининг Ягона ҳисобварақасига жамлантирилади;

- бюджет ташкилотлари харажатларини ҳисобга олиш ва бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш ҳамда ҳисоботлар тайёрлаш учун уларнинг шахсий ҳисобваракалари ғазначиликда очилади;

- банк ўрнига ғазна томонидан бюджет касса ижросини амалга оширилиши ва бюджет жараёни барча босқичлари яъни даромад тушими, бюджет маблағлари ажратишдан тортиб бюджет ижроси ҳисоботини тайёрлашгача бўлган ишлар бирлаштирилади;

- замонавий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни қўллаган ҳолда ғазначиликнинг ягона ахборот тизими яратилади ва у банкларнинг электрон тўлов тизимига уланади. Бу эса Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари касса ижросини кунлик мониторингини таъминлайди ҳамда барча даражадаги бюджетлар аҳволи ҳақида маълумотларни тезкор йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни таъминлайди.

Кўриниб турибдики, дунёнинг кўпчилик мамлакатларида жорий этилган давлат бюджетининг ғазначилик ижросига ўтиш бизнинг республикамиз учун алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда тасдиқланган лойиҳа асосида ғазначилик тизимини жорий қилиш ишлари ташкилий-ҳуқуқий, техник-иқтисодий ва кадрларни ўқитиш ва қайта ўқитиш ишларини ўз ичига олади.

Ғазначилик тизимининг тузилмаси уч поғонали бўлади:

Биринчи поғона – Республика бўйича Марказий ғазначилик ғазначилик ҳисобварақларидаги маблағлар ҳаракатини бошқаради ва давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг жамланма ҳисобини юритади. Қонун билан белгиланган ташкилотларга бюджет ижроси тўғрисида тегишли маълумотномалар беради. Қуйи ғазначилик идоралари ишини бошқаради,

улардан бюджет даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумот ва ҳисоботларни қабул қилади ва қуйи органлар томонидан бюджетнинг ижросини қонунчиликка биноан таъминлайди.

Иккинчи поғона - вилоят ғазначилик бошқармалари, маҳаллий бюджетнинг даромад қисмининг шакллантирилиши ва харажатларнинг амалга оширилишини таъминлайди. Вилоят бюджети маблағларининг ҳаракатини бошқаради. Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритади, қуйи ғазначилик органлари ва бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар фаолиятини назорат қилади.

Учинчи поғона – шаҳарларда, туманларда ва шаҳарлардаги туманларда ғазначилик бўлинмалари, ҳудудда бюджетнинг даромад қисмининг шакллантирилиши ва бюджет муассасалар бўйича харажатларнинг мақсадли молиялаштирилишини таъминлайдилар. ғазначилик ҳисобварақларида маблағлар ҳаракати ҳисобини юритадилар ва ҳудудда даромадлар ва харажатлар бўйича бюджет ижроси тўғрисида юқори ғазначилик органларига ахборот берадилар.

Республикада ғазначиликка ўтиш босқичлари қуйидаги тартибда амалга оширилмокда.

- 2005 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида давлат бюджети ғазначилик ижросининг баъзи элементлари тажриба учун тадбиқ қилинди;

- 2006 йилдан давлат бюджетининг ғазначилик ижроси етти вилоятга босқичма-босқич тадбиқ этилди;(Самарқанд, Наманган, Бухоро, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси)

- Қолган ҳудудлар 2007 йилда қамраб олинди. (Андижон, Жиззах, Кашкадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятлари)

Марказий ғазначиликнинг ташкил қилишдан мақсад – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси жараёнида маблағлар самарали бошқариш, давлат буюртмаларини ва дастурларини молиялаштиришда тезкорликни ошириш, бюджет даромадлари тушумини ва давлат маблағларидан мақсадли сарфланишини назорат қилишда тезкорликни таъминлашдир.

Марказий ғазначилик – даромадлар ва харажатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижросида, бюджет ҳисобварақлари ва маблағларини бошқаришда аниқ ваколатларга эга ва у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ташкилий тизими ҳисобланади.

Марказий ғазначилик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Давлат қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кўрсатма ва йўриқномалари ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини ислоҳ қилиш тегишли институционал ислоҳотлар ёки бошқача қилиб айтганда бюджет тизимида ташкилий - ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади.

Ғазначилик тизими жорий қилиниши давлат бюджетини режалаштириш, харажатларни амалга ошириш ва уларни бошқаришга, молиявий ҳисобот, назорат вазифаларига ёндошиши ва бажариш ишларига жиддий таъсир қилади ҳамда бу функцияларни ҳозирги кунда амалга оширувчи субъектларлар фаолиятига тегишли ўзгартиришлар киритиш заруриятини юзага келтиради.

«Давлат молиясини ислоҳ қилиш» лойиҳасини амалга ошириш босқичлари асосий элементлари 1- чизмада келтирилган.

1-чизма

Давлат молиясини ислоҳ қилиш”
лойиҳасини амалга оширишнинг асосий босқичлари



Давлат бюджетини ғазна ижроси бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатишга ҳамда кредитор тўлов интизомини мустаҳкамлашга ва натижада дебитор ва кредитор қарздорликларни кескин қисқартириш, яъни Давлат бюджети ижроси жараёнини жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги сифат поғонасига чиқаришдир.

Ўзбекистон Республикаси ғазначилик тизимини яратиш билан боғлиқ бўлган ислохотлар Давлат бюджети ижроси жараёндаги тубдан ўзгариш деб баҳоласа бўлади.

Бюджет ижросини ислох қилишда Давлат бюджети ижросига масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилик тизимини яратиш назарда тутилади. Республикамизда Давлат бюджети ғазначилик ижросига босқичма-босқич ўтиш режаси Ўзбекистон Республикаси ғазначилигини ташкил этиш концепциясига асосан ишлаб чиқилган ва унда мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши хусусиятлари инобатга олинган.

2004 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиниши давлат маблағларини тўплаш ва улардан самарали фойдаланишни тартибга келтириш бўйича муҳим кадам бўлди. Бюджетнинг ғазначилик ижросини жорий этилиши бюджет харажатларини режалаштириш, тўплаш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш назоратини кучайтириш имкониятини беради.

Ушбу қонунга асосан, ғазначиликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- Давлат бюджетининг касса ижроси;
- Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- Давлат бюджети маблағларини бошқариш;
- Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;

- Бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;
- Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш киради.

Ғазначилик органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этиш жараёнида давлат бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Белгиланган тартибга кўра мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда ғазначиликка кўмаклашишлари лозим.

Ғазначилик органлари ўз иш фаолиятида давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетда маблағлар олиши назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг ғазна ижросига тегишли маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет

жараёнининг бошқа иштирокчилари ғазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослилиги учун жавобгар ҳисобланадилар.

1.2 Ғазначилик фаолиятининг функциялари ва вазифалари.

Маълумки, бюджет жараёнининг асосий босқичларидан бири давлатнинг молиявий назорати ҳисобланади. Бюджетни иқтисодиётнинг турли тармоқлар билан кўпқиррали алоқаларни бюджет кўрсаткичларининг аниқ адресли характери ифодалайди ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида тўғри ишлатилишини назорат қилишга асос яратади. Бюджетни даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари тизими орқали назорат қилинади.

Бугунги кунда молия, бюджет, солиқ интизомига етарли даражада риоя қилинмаётганлиги ва бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатилишида кўпсонли ҳолатларнинг мавжудлиги барча мамлакатларда давлат назоратини кучайтиришни зарурлигини кўрсатмоқда. Иқтисодиётни ривожланган ҳеч бир мамлакат йўқки, молия соҳасида давлатнинг назорат органлари мавжуд бўлмасин.

Жаҳон тажрибалари шунини кўрсатади, қонунийлик, объективлик, эркинлик ва мустақиллик молиявий назоратнинг тамойиллари ҳисобланади. Молиявий назорат институти давлатнинг назорат органларининг умумий тузилишини ўзида мужассамлаштиради ва молиявий механизмнинг асосий элементи сифатида намоён бўлади. Молиявий назоратнинг моҳияти унинг бажарадиган вазифалари ва функцияларида кўринади.

Давлатнинг молиявий назоратнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Бюджетни тўғри тузишни ва ижро қилишни таъминлаш;
- Бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларни мақсадсиз ва самарали ишлатилишини текшириш;
- Бюджет ва солиқ интизомига риоя қилишни яхшилаш;

- Бюджетлараро муносабатлар механизмининг реализациясини назорат қилиш;

- Банкларда ва бошқа кредит ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларини айланишини текшириш;

- Минтақаларни молиявий қўллаб-қувватлашда мақсадли бюджет жамғармаларнинг шаклланишини ва тақсимотини назорат қилишдан иборат.

Давлатнинг молиявий назоратининг функцияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Давлат бюджет маблағларини харажат қилинишини назорат қилиш;

- Давлат мулкани хусусийлаштиришни, давлат ва хусусий мулкани самарали ишлатилишини молиявий назорат қилиш;

- Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларини ишлатилишини назорат қилиш;

- Банкларда ва бошқа кредит ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларини айланишини назорат қилиш;

- Солиққа тортишда имтиёزلарни ишлатилишини қонунийлигини назорат қилиш;

- Давлат бюджетидан ажратиладиган субвенция, дотация, ссуда ва бошқаларни берилишини назорат қилиш.

Республикамизда даромадларнинг етишмаслиги ва ўз вақтида тушмаслигини эътиборга олган ҳолда, мавжуд бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида ғазначилик тизимига ўтиш, бунда молиялаштириш ва касса харажатларини амалга ошириш жараёнларини бирлаштириш натижасида бюджет маблағларини бюджет ташкилотларининг банкдаги ҳисобрақамида қолдиқ сифатида қолишини бартараф этиш мумкин.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда дастурларни молиявий таъминлаш ва давлат маблағлари фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш ишида ғазначиликсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Ғазначиликни жорий этиш давлат маблағларини бошқариш тизимининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Ғазначилик органларининг асосий вазифаларидан бири бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилишини назорат қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда яратилаётган маруазлаштирилган ғазначилик тизими ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида маблағларни марказлаштиришни, шунингдек, бюджет ижросининг назоратини ва ҳисоб-китобини кўзда тутди.

Ривожланган мамлакатлардаги амалда ишлаётган ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами концепциялардан ва кассадаги нақд пул оқимларини ва пулли операцияларни бошқаришнинг ушбу вариант Ўзбекистонга мос келади: бунда фаол ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами фаолият кўрсатади ва марказлаштирилган бухгалтерия назорати амалга оширилади.

Барча бюджет маблағлари ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида тўланади, тўловни амалга ошириш учун сўровнома ва уни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ғазначиликка йўналтирилади, ғазначилик назорат қилади, тўловларни режалаштиради ва тўловни амалга оширади.

Хорижий мамлакатлар тажрибалари кўрсатадики, ғазначиликнинг асосий вазифалари бир-бирга ўхшайди:

1. Давлат бюджетининг кассали ижросини амалга ошириш.
2. Давлатнинг молиявий активларини бошқариш.
3. Давлат қарзларини бошқариш.
4. Давлатнинг молиявий ресурсларини ҳисоб-китобини юритиш, йиғиш, ишлаш, таҳлил қилиш тизимини фаолият кўрсатишини таъминлаш.
5. Давлат молиясининг ҳолати тўғрисида доимий равишда ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим қилиш.
6. Молиявий назоратнинг қоидаларини ва механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш.

7. Давлат молияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Молия вазирлигига берилган ҳуқуқ доирасида бюджет ташкилотларини молиявий фаолиятини назоратини амалга ошириш.

Ҳазначилик ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Миллий ва чет эл валютасидаги давлатнинг молиявий ресурсларини тўплаш, давлат бюджети тушумлари ва харажатлари ҳажмининг қисқа муддатли прогнозларини ишлаб чиқади.

2. Сертификат бериш асосида республика ва маҳаллий бюджет маблағларини, шунингдек, давлатнинг мақсадли жамғармалари маблағларини сарфланишни амалга оширади.

3. Давлатнинг пул оқимлари кириш, чиқиш ва қолдиғини бошқариш, ҳазначиликни ягона ҳисобрақамидаги маблағларни самарали ишлатишни амалга оширади.

4. Давлат бюджети бўйича Ҳазначиликнинг йиллик ва ойлик ҳисоботини тайёрлайди ва нашр қилади, Ҳазначиликнинг меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди ва уни ижрочиларга етказди.

5. Молия Вазирлигининг топшириғига биноан давлат ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам қисқа ва узоқ муддатли маблағларни жалб этади.

6. Давлат бюджети департаменти ва Молия вазирлигининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонун ижросини назорат қилади, бюджет таснифга мувофиқ ҳазначилик ҳисобрақамларини очади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунида кўрсатилишича, Ҳазначилик ўз зиммасига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини

амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назорат амалга оширишда Ғазначиликка кўмаклашишлари шарт.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида ҳисобот Ғазначилик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби Ғазначилик томонидан, шунингдек, давлат солиқ ва божхона хизмати органлари, бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобрақамларининг ягона режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ғазначилик юридик ва жисмоний шахсларга улар томонидан ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона ғазна ҳисобрақамидан ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобрақамларидан қайтарилишини амалга оширади.

Ғазначилик юридик шахс мақомига эга бўлган Молия Вазирлигига бўйсунадиган давлат органи ҳисобланади. Ғазначиликнинг Қорақолпоғистон Республикаси Ғазначилик Бошқармаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Бошқармаси, шаҳар ва туманлар Ғазначилик бўлимлари каби ҳудудий органлари фаолият бошлайди. Ғазначиликка Ўзбекистон республикаси Молия вазири ўринбосари, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланган Давлат Ғазначиси раҳбарлик қилади. Ғазначиликнинг ҳудудий органлари ҳуқуқий шахс мақомига эга эмас. Ўзбекистон республикаси Молия Вазирлигининг буйруғига мувофиқ Ғазначиликнинг ҳудудий органлари тузилди ва тугатилади. Ғазначилик органларининг харажатларини молиялаштириш республика бюджетидан амалга оширилади.

Ўзбекистон республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ солиқли ва солиқсиз давлат тушумларини тўплаш, сақлаш ва давлат харажатларини амалга ошириш учун Ғазначилик томонидан Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақаи очилади. “Ягона ғазна ҳисобрақаи Ғазначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобрақаи бўлиб, бу ҳисобрақамда Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобрақамидан Давлат бюджетидида маблағлари назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг жаражатлари тўланади, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади”⁵.

Ғазначилик алоҳида операцияларни, шунингдек давлатнинг мақсадли фондларининг маблағлари билан операцияларни амалга ошириш учун ғазначиликнинг ягона ҳисобрақаи доирасида суб счётларини очиш ҳуқуқига эга. Бу суб счётлардаги қолдиқлар ғазначиликнинг ягона ҳисобрақаи қолдиғининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ғазначилик Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунида белгиланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган ваколатлар доирасида ғазначиликнинг ягона ҳисобрақаи ва унинг суб счётларини бошқаришни амалга оширади. Ғазначиликнинг ваколат берилган лавозимдаги шахсларидан бошқа ҳеч бир ҳуқуқий шахс ёки жисмоний шахс ғазначиликнинг ягона ҳисобрақаи маблағларидан пул ўтказиш учун банка тўлов топшириқномасини бериш ҳуқуқига эга эмас.

Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақаи Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банкада очилади. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банкнинг ҳудудий бошқармаларида ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамининг суб счётлари очилади. Республика минтақаларида давлат харажатларини ўз

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуни. 9-модда.// Халқ сўзи. 2004. 29октябр.

вақтида молиялаштиришни таъминлаш мақсадида Ғазначиликнинг опшириғи билан марказий Банк томонидан бутун иш куни мобайнида суб счётларидан пул маблағларини ўтказишга шарт қилинади. Маблағлар ўтказиш ва давлатнинг пул маблағларини харажат қилиш учун фақат Молия Вазирлиги рухсати билан банк счётларини очиш мумкин. Бу ҳуқуқини Давлат Ғазначисига Молия Вазирлигининг буйруғи билан юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки ва Ғазначилик ўртасидаги ўзаро муносабатларга тааллуқли масалалар улар ўртасида тузилган шартнома асосида тартибга солинади. Ғазначилик йилда камида бир марта ушбу шартномаларни таҳлилини ўтказиши шарт, агар Ғазначилик фикри бўйича шартномаларни кўриб чиқиш талаб этилса, иккала томон талабларини қондириш мақсадида шартномаларни қайта тузиш тадбирлари кўрилади.

Давлат бюджетини кассали ижросини амалга ошириш жараёнида тижорат банклари била ҳам шартнома тузади. Бу банкларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки тавсиядан кейин аниқланади. Ўзбекистон Республикасининг марказий Банк ва тижорат банклари Ғазначилик талаби билан қуйидаги маълумотларни беришга мажбур:

- бюджет ташкилотларининг банкда очилган шахсий счётлар, унда маблағлар айланиш ва қолдиғи тўғрисида маълумот;
- Ғазначилик сўраган аниқ бюджет ташкилотининг ёки унинг тавсияси билан очилган банк ҳисобрақамидаги маблағлари тўғрисида маълумот.

Ғазначилик фаолият кўрсатаётган хориж мамлакатларида ғазначиликнинг меъёрий ҳужжатида мувофиқ, давлат маблағларининг миллий валютада ва чет эл валютасида тушган барча тушумларни, солиқли ва солиқсиз тушумларни, давлатнинг мақсадли фондларига тушган тушумларни, бюджет ташкилотлари даромадларини, жорий ва жорий бўлмаган даромадларини, махсус мақсадга қаратилган фондларга ҳомийлардан тушган маблағларни, грантларни қўшганда ва бошқа турдаги

давлатнинг даромадлари тўлиқ ва тўғридан-тўғри ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамига ўтказилади.

Бюджет тизими тўғрисидаги қонунга, шунингдек, турли даражадаги давлат бошқаруви ўртасида тушумларни тақсимотини тартибга соладиган бошқа қонунларга мувофиқ, Ғазначилик тушумларини турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш учун жавобгарлик ҳисобланади. Ғазначилик белгиланган бюджет таснифига мувофиқ, барча давлат тушумларини алоҳида ва аниқ рўйхатини амалга оширади, қонун асосида ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамидан барча тўловларни амалга оширишга Ғазначилик жавобгар ҳисобланади.

Ҳар бир бюджет ташкилоти ажратилган бюджет маблағлари чегарасида харажатларни амалга ошириш учун сертификат бериш асосида тўлов топшириқномасини керакли ҳужжатлар билан биргаликда ўзининг ғазначилик бўлимига тақдим қилади. Харажатларни асослигини текширилгандан ва ресурсларнинг мавжудлиги тасдиқлангандан кейин Ғазначилик Ўзбекистон республикаси Марказий банки ёки тижорат банкларига тўлов ҳужжатини йўналтириш билан тўловни амалга оширади. Турли кўринишдаги харажатларни амалга ошириш учун ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамидан маблағларни ўтказиш механизмлари Ғазначиликнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Ғазначилик органлари қўйидаги функцияларни бажаради:

2 – чизма

	Марказлашган Ғазначилик:
1.	Ғазначиликнинг бош китобини юритади.
2.	Бюджетга тушган тушумларни бошқаради.
3.	Харажатларни молиялаштиришга рухсат беради.
4.	Бюджет ташкилотларини мажбуриятларини бошқаради.

5.	Нақд пулларни бошқаради.
6.	Тўловларни бошқаради.
7.	Давлат қарзининг ҳисоб-китобини юритади.
8.	Бюджет ташкилотларининг активларини ҳисоб-китобини юритади.
9.	Молиявий ҳисоботни тайёрлайди.
1.	Ғазначилик бошқармалари:
2.	Бюджетга тушган тушумларни бошқаради.
3.	Харажатларни молиялаштиришга ғазначилик рухсатномаларини беради.
4.	Бюджет ташкилотларининг мажбуриятларини бошқаради.
5.	Нақд пулларни бошқаради.
6.	Тўловларни бошқаради.
7.	Бюджет ташкилотларининг активларини ҳисоб-китобини юритади.
	Молиявий ҳисоботни тайёрлайди.
1.	Ғазначилик бўлимлари:
2.	Бюджетга тушган тушумларни бошқаради.
3.	Харажатларни молиялаштиришга Ғазначилик рухсатномаларини беради.
4.	Нақд пулларни бошқаради.
5.	Тўловларни бошқаради.
6.	Бюджет ташкилотларининг активларини ҳисоб-китобини юритади.
	Молиявий ҳисоботни тайёрлайди.

Ғазначилик :

- давлат бюджетини барча харажатларини ғазначилик ягона ҳисобрақаида ифодалаб, уларнинг алоҳида ва аниқ ҳисоб-китобини юритади;

- маблағларни харажат қилишда, ўз вақтида тўловларни амалга ошириш учун ресурсларни етарлилигини таъминлашда бюджет ташкилотларини ўзига қабул қилган мажбуриятларини ёзувини амалга оширади;

- Молия вазирлигининг давлат бюджети Департаментида шакллантирилган ҳар бир сертификатни ва унга қўшимча рўйхатдан ўтказди;

- Бюджет ажратмаларидаги Олий мажлис томонидан белгиланган захира фондларини етарли миқдорда сақлайди;

- Молия вазирлигининг давлат бюджети департаменти билан биргаликда доимий равишда бюджет ташкилотларига, хусусан, уларга тегишли бюджет ижроси тўғрисида маълумотлар тақдим қилади;

- Харажатларни назоратини қилиш ва тўловни амалга ошириш қоидаларини аниқлайдиган, бюджет ташкилотлари ишлатиши учун Ғазначиликнинг меъёрий ҳужжатларини тайёрлайди ва нашр қилади.

Ғазначилик давлатнинг молиявий активларини бошқаришда давлат харажатларини ўз вақтида амалга ошириш учун ресурслар мавжудлиги таъминлайди. Молия вазирлигининг Давлат Бюжети департаменти, вазирликлар ва идоралар берган маълумотлар асосида ойда камида бир марта Ғазначиликка давлат даромадлари ва харажатларининг прогнозини тақдим қилади, прогнозни тақдим қилиш шакли Ғазначилик томонидан аниқланади. Бюджет ташкилотлари харажатлар прогнозини Ғазначилик счётлари тизимига мувофиқ, Ғазначиликка тақдим қилишга мажбурдирлар.

“Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ғазначиликни жорий этиш давлат маблағларини бошқариш тизимининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Тўпланган жаҳон тажрибасини бундан буён янада ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда ғазначилик бўлимларининг ишлаб туриши ва ўзаро ҳамкорлигини тартибга солувчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш, шунингдек, улар асосида бюджет жараёнининг ягона услубиётини ишлаб чиқариш зарур.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, бюджет ўзғартириш асосида ижро этилганда вақтинчалик касса тафовутлари амалда барҳам топади, бутун бирламчи тўлов ҳужжатлари айланиши ғазна муассасаси қўлида тўпланади

ҳамда бюджетнинг ижро этилиши ойдинлашади, таҳлил сифати ва тезкорлиги ошади”⁶.

Мазкур тизимни жорий этиш билан бюджет бажарилишини кузатиш, бошқарув қарорларини қабул қилишда қулайлик яратиш, бюджет маблағларини мақсадсиз сарфланишидан ҳимоялаш ва бюджетни режалаштириш ва прогнозлаштириш сифатини ошириш мумкин.

Ғазначилик тизими бюджет маблағларининг молиявий оқимларини эпчиллик билан бошқариш, бюджет харажатларини жорий ижро этишда бюджет ресурсларининг нисбатан оз касса қолдиқлари билан қаноатланиш ва натижада, давлат бюджети даромадлари ҳамда харажатларининг тезкор ва якуний мувозанатлаштирилган бўлишга эришиш имкониятини беради.

Ғазначилик анча кенг қамровли ва самарали бюджет назорати ва текшируви тизимини таъминлайди. Жумладан:

- ҳужжатлар тўпламларини тайёрлаш босқичидаги назоратни;
- дастлабки ва маблағлар ажратилиши босқичидаги назоратни;
- ғазначилик муассасасида очилган шахсий ҳисобрақамлар орқали бюджетдан молиялаштириш технологиясига киритилган жорий назоратни ўз ичига олади.

“ Бугунги кунда Ўзбекистонда Ғазначилик каби институт йўқ . Давлат бюджетининг кассали ижроси Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига юклатилган. Ғазначиликни жорий этиш бюджетнинг даромадлар қисмида тушамларнинг тушишини ва бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишининг назоратини кучайтириш имконини беради”⁷.

Ниҳоят, ғазначиликни жорий этиш давлат молиясини бошқаришнинг мавжуд тизимини янада такомиллаштиришга кўмаклашади. Ғазначилик муассасасидан ўз вақтида ва муҳим ахборот олиниши туфайли Молия вазирлиги томонидан молия тизими ҳамда иқтисодиётдаги қисқа муддатли

⁶ Пишков Б.В. Сольский Казначейское исполнение муниципального бюджета: год спустя // Финансы. 2000 №8. -3стр.

⁷ Шарифходжаев М.Ш., Срожиддинова З.Х., Туляганов Н.Б. Бюджетная политика Республики Узбекистан. Учебное пособие. Ташкент. 2001. 79с.

кундалик ҳолатларини тезкор аниқлашга ёрдам берган ҳолда, мамлакат бюджетининг таъсирчан ролини кучайтиради. Бундай тизимда бюджет бозорга доир маълумотларга ва юзага келадиган муаммоларга монанд равишда муносабатда бўлиш, номақбул ҳолатларнинг олдини олиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, давлат бюджетини самарали назорат қилиш ва унинг тақчиллигини бошқаришни таъминлайди.

1.3. Ғазначилик фаолиятининг меъёрий–ҳуқуқий асослари.

Мамлакатимизда ғазначилик тизимини ташкил этилиши ва ривожланиши хусусиятлари бевосита бу жараёнларнинг меъёрий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган бўлишлигини талаб қилади. Мамлакатимизда бюджет тизими ва сиёсатининг ривожланиши жараёнида ғазначиликнинг ривожлантириш билан боғлиқ ҳуқуқий база яратилди. Бу ҳуқуқий базанинг асосини ташкил этувчи асосий ҳужжат сифатида 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонун хизмат қилади⁸.

Ушбу қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларининг) ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

⁸ Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари тўплами. Т.: Адолат 2005 йил.

Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принциплари кассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналигидан иборат. Давлат бюджетининг ғазна ижроси давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси молия йили мобайнида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган қўшимча вақт даврида амалга оширилади. Давлат бюджетининг ғазна ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган махсус ваколатли молия органи ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Ғазначиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Давлат бюджетининг касса ижроси;
2. Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
3. Давлат бюджети маблағларини бошқариш;
4. Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;
5. бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;
6. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
7. Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
8. Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш.

Ғазначилик ўз зиммасига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда ғазначиликка кўмаклашишлари лозим.

Ғазначилик билан давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг ғазна ижроси соҳасидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар. Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари ғазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослилиги учун жавобгар бўладилар.

Ягона ғазна ҳисобварағи ғазначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобвараққа давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобварағидан давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади. Ягона ғазна ҳисобварағи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ғазначилик томонидан очилади. Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва ўзга банкларда бошқа банк

ҳисобварақлари очиш ҳуқуқига эга. Ғазначиликнинг банк ҳисобварақларидан маблағларнинг сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади. Давлат бюджетига чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек бюджет ташкилотларининг чет эл валютасида тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари ғазначиликнинг банкдаги валюта ҳисобварақларига киритилади. Ғазначилик юридик ва жисмоний шахсларга улар томонидан ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона ғазна ҳисобварағидан ёки ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан қайтарилишини амалга оширади.

Давлат бюджетининг харажатлари ягона ғазна ҳисобварағи ёки ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва тегишинча республика бюджети, қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

Маблағларни суднинг қарорига биноан ўтказиш, дотациялар ва ссудаларни ўтказиш ягона ғазна ҳисобварағидан ёки ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларига ғазначилик томонидан ўтказилади.

Ғазначилик ягона ғазна ҳисобварағидаги ва ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидаги давлат бюджети маблағларини уларни давлат бюджетининг харажатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек давлат бюджети бўш маблағларини банк депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш йўли билан бошқариб боради⁹.

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ғазначилик томонидан, шунингдек давлат солиқ ва божхона хизмати органлари, бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси ва бюджет таснифи асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ғазначилик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар ғазначилик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар молия органларига тақдим этилади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Давлат бюджети ижроси, шу жумладан Давлат харидларини амалга ошириш жараёни устидан назоратни такомиллаштириш мақсадида

⁹ Аброев У. Ўзбекистонда давлат бюджети ғазна ижросининг асосий мақсадлари ва ўзига хослиги. Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби журнали, 2008 йил 8 сон, 28-29 бетлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида" ги қарорига асосан махсус молия органи - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ташкил этилди.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ҳаракатлари биринчи навбатда бюджет ташкилотларининг бюджет ва шартномавий интизом даражасини оширишга йўналтирилган.

Илгари бюджет ташкилотлари раҳбарлари шартномаларни тузганда, бор имкониятларни ва маблағларнинг қайси мақсадларга ажратилганлигини ҳисобга олмасдан, фақат "бор заруратдан" келиб чиқиш ҳоллари учрар эди. Бюджет ташкилотларининг айрим мансабдор шахслари томонидан олинаётган мажбуриятларни ва уларга ажратилган маблағларни бир-бирига тўғри келмаганлиги оқибати ҳисобга олмаганлиги натижасида, бир томондан, асосланмаган кредитор қарздорлик вужудга келган ва иккинчи томондан эса, бюджет ташкилотларининг тулашга қодирлигига нисбатан ишонч йўқотилган.

Масалан, айрим бюджет ташкилотлари озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишда умумий суммалари ажратилган бюджет маблағларидан бир неча баробар ошадиган бир нечта таъминотчилар билан шартномалар тузиши мумкин эди. Яъни, ушбу бюджет ташкилотлари товар (иш, хизмат)ларни етказиб берувчиларга тўлашга те-гишли манбалари мавжуд бўлмаса-да, "тўлашга ваъда қилганлар".

Давлат бюджетининг сифатли ижросини таъминлаш учун, бюджет ташкилотлари томонидан олдинлари асосан расман ўтказилган товар (иш, хизмат)ларни сотиб олишга буюртмаларни бериш учун танлов (тендер) савдолари ўтказилиши устидан назоратни амалга ошириш талаб қилинади.

Танлов ва тендерлар ўтказиш бюджет ташкилотлари томонидан товар (иш, хизмат)лар сотиб олишда нархларни сунъий равишда оширилишининг олдини олиш учун асосий инструмент ҳисобланади.

Юзага келган ҳолатни тўғрилаш учун, муайян субъектлар – бюджет ташкилотлари ва уларнинг таъминотчилари ўртасида шартномалар тузилиши ва мажбуриятларга риоя қилинишини аниқ кузатиб борадиган муайян механизмни барпо қилиш лозим.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан махсус молия органи - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди, шунингдек улардаги ходимлар сони белгиланди¹⁰.

Ғазначиликнинг мақсади бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши усти-дан замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда назоратни кучай-тириш, барча даражадаги бюджет даромадлари ва харажатларининг бошқаруви самарадорлигини оширишдир.

Юқоридаги қарор асосида ғазначиликка қуйидаги асосий вазифалар юклатилган:

- бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномаларини, шунингдек Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга қатъий мувофиқ равишда тузилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларининг мақсадга номувофиқ, асоссиз харажатларининг олдини олиш;
- бюджет ташкилотларини, шу жумладан мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялашга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш устидан мониторингни амалга

¹⁰ У. Аброев. Таъминотчи, бюджет ташкилотлари ва ғазначилик: давлат харидларини амалга ошириш жараёнидаги ўзаро муносабатлар. Солиқ солиқ ва бухгалтерия ҳисоби. 2008 йил 10-сон, 30-бет.

ошириш, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини назарда тутиш ҳамда воситачилик хизматларидан воз кечиш;

- харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган қатъий суммалар доирасида товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчиларнинг бе-восита ҳисоб рақамларига бюджет маблағлари олувчилар номидан ва уларнинг топшириғи бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сўзсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш.

Ҳозирги вақтда қўлга киритилган натижалар ўрганилар экан, шунини айтиш мумкинки, республиканинг барча ҳудудларида Ғазначилик томонидан бюджет ташкилотларининг шартномалари, ҳисобварақ-фактуралари ва тўлов топшириқномаларини рўйхатга олиш каби Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий элементларининг ишлатилишига эришилди.

Фақат ушбу қадам билан бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилиши билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг асосий қисми ечилади.

Ғазначилик бўлинмалари томонидан шартноманинг рўйхатга олиниши унинг суммаси харажатлар сметасидаги тегишли модда бўйича суммасидан ошмаганда ва мақсадли йўналтиришга мувофиқ бўлгандагина амалга оширилади. Шартномалар рўйхатга олингандан сўнг ҳисобварақ-фактуралар ва тўлов топшириқномалари худди шундай назоратга учрайди.

Бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномаларини Ғазначилик томонидан рўйхатга олиниши мазкур муайян бюджет ташкилотларининг тўлашга қодирлиги Давлат томонидан тасдиқланишини билдиради ва етказиб берувчи учун, у томонидан шартнома шартлари бажарилганда, тўлов кафолати ҳисобланади.

2-боб. Ўзбекистонда ғазначилик фаолияти ташкил этилиши ва ундаги долзарб масалалар

2.1. Ўзбекистонда ғазначилик фаолияти ташкил этилиши механизми.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, давлатнинг асосий функцияларидан бири молия-кредит тизимини етарли фаолият кўрсатиш учун давлатнинг молиявий назоратини амалга оширилишидир. Бозор муносабатлари турли мулк шаклидаги, айниқса, бюджет маблағларини ишлатадиган ташкилотларни ва муассасаларни давлат томонидан назорат қилишни зарурлиги ва қоидабузарликни олдини олиш тадбирларини қўллашни инкор этмайди.

Давлат бюджетининг ғазна ижросини амалга оширишда ташкил этиладиган ягона ғазна ҳисобварағининг алоҳида ўрни бор.

Ягона ғазна ҳисобварағи ғазначилик томонидан бошқариладиган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очиладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобвараққа Давлат бюджети маблағлари (шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларини маблағлари) ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобварағидан Давлат бюджетидан маблағлар берилиши назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва бошқа банкларда тегишли банк ҳисобварақлари очиши ва у орқали тўловларни амалга ошириши мумкин.

Ғазначиликнинг банк ҳисобварақларидаги бюджет маблағларидан сўзсиз тартибда тўловларни амалга ошириш ва ҳисобдан чиқаришга йўл қўйилмайди.

Ғазначилик тизимида давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар белгиланган тартибда республика бюджет, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳам ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади.

Давлат бюджетига чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек бюджет ташкилотларининг чет эл валютасида тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, ғазначиликнинг банкдаги валюта ҳисобварақларига киритилади ва унинг назорати амалга оширилади.

Давлат бюджетининг ғазначилик ижросида бюджет харажатларини назоратга олишга алоҳида эътибор берилади. Бу борада Давлат эҳтиёжлари хариди учун қилинадиган тўловлар муҳим аҳамият касб этади. Давлат бюджетининг харажатлари ягона ғазна ҳисобварағи ёки ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва тегишинча республика бюджет, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

Ғазначилик органлари тамонидан ягона ғазна ҳисобварағидаги ва ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидаги Давлат бюджет маблағлари бюджет маблағлари тўловлари кўзда тутилган харажатларни

белгиланган муддатларда ва тартибда амалга оширилади. Шунингдек, Давлат бюджети бўш маблағлари банк депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш орқали ҳам бошқариб борилади.

Республикада ғазначилик тизими жорий этилиши вақтинчалик ҳаракатда бўлмаган бюджетнинг эркин маблағларини, самарали молия бозорларида жойлаштириб, ундан олинган даромадни эса бюджет харажатларини тўлиқ молиялаштиришга, бюджет тақчиллигини камайтиришга ва давлат қарзлари тўловига йўналтириш мумкин.

Ғазначилик тизимининг фаолияти давлат молиявий ресурсларини сафарбар қилиш орқали давлат харажатларини бошқаришни мувофиқлаштиришдан ташқари, улар устидан самарали назорат ташкил қилиш имконини ҳам беради. Ғазначилик тизимида қилинаётган харажатларнинг энг юқори даражадаги тиниқлиги ва ҳисоботга тортилишлигига эришилади.

Ғазначилик Давлат қарзларининг барча кўринишларини бошқариш, улар бўйича тўловлар ва давлатнинг мажбурият ҳамда кафолатлари учун масъул ҳисобланади.

Ғазначик орган ғазна тизимининг таркибини тузиш, бошқариш ва давлатнинг барча молиявий активлари, мажбуриятлари ва операциялари учун жавобгар ҳисобланади. Молия йили тугагандан сўнг, ғазначилик органи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасига республика, Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича молиявий ҳисобот тақдим этади.

Тадбирларнинг босқичма босқич утиш режаси куйидагилардан иборат:

1. Хукукий – меъёрий база
2. Материал – техник базани яратиш
3. Кадрларни тайёрлаш
4. Дастур таъминоти (ДМБАТ, ГИАТ, БХАТ)

Жаҳон тажрибалари кўрсатадики, турли мамлакатлар ғазналарига ҳар хил вазифалар юклатилган эди. Уларнинг маҳаллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, Янги вазифалар юклатилар ёки олиб ташланар эди. Узоқ давом этган урушлар сабабли давлат бойлигини камайтириш оқибатида ғазнага янги вазифа, ички ва ташқи қарз мажбуриятларини ишлаб чиқиш юклатилган эди. Баъзи мамлакатларда ғазначилик тасдиқланган бюджет асосида бюджет ташкилотларига фақатгина ресурслар ажратиш билан чекланган тақдирда, бу ғазначиликнинг роли суғайиши мумкин.

Агар ғазначиликнинг роли фаол бўлганда харажатларни тўлаш мажбуриятларининг лимитларини олдиндан кўзда тутилган мезонлар асосида белгилайди. Ғазначиликни ташкил этишнинг асосий мақсади шундан иборатки, давлатнинг молиявий ресурсларини самарали бошқаришга таъсир этади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ғазначилик тизимида ҳисоботлар, оддий хужжатлаштириш ва соддалаштирилган ғазначилик процедуралари орқали давлат молиясини бошқаришда ошқораликка эришилади. Ғазначилик тизими фаолият кўрсатиши учун унинг бешта элементи мавжуд бўлади.

Турли босқичдаги ғазначиликнинг бошқарув органлари-Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси, Ғазначиликнинг Бошқармалари, Ғазначиликнинг туман бўлимлари фаолият кўрсатади.

Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси ўтказилаётган ислохотлар бюджетни кенг маънода қамраб олинишини кўзда тутди. Ислохотлар жараёнида

бюджет ташкилотлари, юридик шахс мақомини олган ташкилотлар аниқланади. Ҳар томонлама ахборот билан таъминлаш учун бюджет таснифидан фойдаланилади. Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси бюджетни шакллантиради ва барча бюджет ташкилотларининг фаолиятини бошқаради. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳукуматнинг молиявий маблағларини янада самарали ишлатишни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг янги Бошқармаси ҳисобланган Ғазначиликнинг Бош Бошқармасининг ҳуқуқий масъулияти белгиланади.

Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси бюджетдан маблағ олувчилардан бошқариш функцияларини тортиб олмайди. Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси бюджетнинг бажарилиш жараёнини яхшилаш учун уларни янада кенгроқ ахборотлар билан таъминлайди. Бюджет таснифи бўйича берилган харажатлар тўғрисидаги ахборотлар бутун йил бўйи харажатлар тенденциясини ва харажатларни амалга ошириш учун қўшимча керак бўладиган эҳтиёжларни аниқлашга ёрдам беради. Ғазначиликнинг фаолият кўрсатиши нақд пулларни тўғри ва самарали бошқариш йўли билан бюджетга ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Даромадлар режаси бажарилмаган ҳолатда, боқимандалик муаммосини ечишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкда ва унинг ҳудудий бошқармаларида очилган Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақами фаолият кўрсатади. Ҳар куни Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақамига республика ва маҳаллий бюджетга солиқлар ва солиқсиз тушумлар тушади. Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақамида вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг ва маҳаллий ҳокимият органларининг субсчётлари очилади.

Давлат бюджетининг барча харажатлари, жумладан, маҳаллий бюджет харажатлари Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақамидан молиялаштирилади. Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақамида маблағларга тақчиллик бўлганда, Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси доимо Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкдан ёки молия бозоридан маблағ жалб қилиши зарур. Бюджет

маблағи олувчиларининг бошқа молия институтларида ҳисобрақамлари бўлмайди.

Албатта, ғазначиликда қисқа муддатли молиявий режалаштириш тизими ишлаши керак. Даромадларни ва харажатларни режалаштириш ва назорат қилиш учун бюджетдан самарали фойдаланилади. Бюджет ижросининг амалдаги тизимида қисқа муддатли молиявий режалаштиришни яхшилашга зарурият туғилади. Молиялаштириш лимитларини тақдим қилиш тартиби тизимга солинади. Ғазначилик тизимида бюджетни режалаштириш қўллаб-қувватланади.

Бюджетни режалаштиришни қўллаб-қувватлаш механизми куйидагилардан иборат:

- доимий равишда даромадлар ва харажатлар бўйича ҳисоботларни, бухгалтерия ҳисоботларини тақдим қилиш;
- зарур бўлган ҳолларда махсус ҳисоботларни тақдим этиш;
- даромадларни тушуми лойиҳаси бўйича ахборотларни алмашиш.

Режадаги маблағларни тушириш ва харажатларни амалга ошириш жараёнлари тезлаштирилади. Бюджет ажратмалари ва амалга оширилган харажатларни таққослаш учун харажатларнинг мониторинги қилинади. Ғазначилик органлари бюджетнинг тушумлар бўйича ижросини ташкил этиб, тушумлар тушушини қисқа муддатли башоратини ва бюджетнинг тушум қисми ижросини таҳлилини амалга оширади. Бюджет тақчиллигини белгиланган чегарадан ошишини олдини олиш учун бюджет мажбуриятлари ва бюджет харажатлари мониторинги қилинади.

Давлат бюджет харажатларини ўз вақтида молиялаштириш ва қарз маблағларини жалб қилишни камайтириш мақсадида қисқа муддатли молиявий режалаштириш тизими амалга тадбиқ этиш режалаштирилади. Ғазначилик фаолиятида бюджет ижросининг ва молиявий маблағлар оқимининг бошқариш кўзда тутилади. Нақд пулларни прогноз қилиш, мавжуд нақд пуллар билан харажатларни боғлаш, нақд пулларни

оптималлаштириш бўйича бюджетнинг стратегик режасини қилиш керак бўлади.

“Ғазначилик тизимини жорий қилиш унинг тўртта асосий компонентларини мавжудлигини талаб этилади: вилоятлардаги бўлинмалари орқали давлат тушумларини йиғиш ва тўловларни амалга ошириш билан шуғулланадиган Ғазначилик Департаментини Молия вазирлиги таркибида тузиш, давлатнинг молиявий ресурсларини Марказий Банкдаги Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида жамлаш, Ғазначиликнинг Бош китобидан фойдаланган ҳолда, давлат маблағлари билан амалга ошириладиган операцияларини ҳисоб-китобини юритишни такомиллаштириш, давлат сектори учун молиявий бошқариш ва режалаштиришни ишлаб чиқиш”¹¹.


“Ғазначилик тизими марказий ҳукуматни марказлашган ва ҳамма томонларни камраб олган ҳолда, тўлов қоғозларини ишлашни, ҳисоб- китоб юритишни, ҳисоботлар тайёрлашни ўз ичига оладиган асосий молиявий хизматлар билан таъминлайди.

Миллий иқтисодиётини ривожини таъминлаётган мамлакатларда компьютерлар тизими тармоғини фаолиятини йўлга қўйилган, бу тизим молия вазирлиги ва тармоқ вазирликлари учун ғазначиликнинг функцияларини бажаради. Шунингдек, мазкур тизимга бюджетни тайёрлаш учун модуллар киритилади, давлат қарзларини, мақсадли фондларни ва маҳаллий бюджетни маблағларини бошқариш каби функциялар юклатилади”.

Қуйидаги чизмада тасдиқланган бюджет ажратмаларининг лимитини ғазначилик органлари ва бюджетдан маблағ олувчиларга етказилиши кўришимиз мумкин.

¹¹ Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятини ташкил қилиш. Т.: Иқтисод ва молия, 2005.143-б.

**Тасдиқланган бюджет ажратмаларининг лимитини ғазначилик органлари ва
бюджетдан маблағ олувчиларга етказилиши**



2.2. Ғазначилик шароитида давлат бюджетини бошқариш.

Бугунги кунда Давлат бюджетини шакллантиришда унинг ҳам харажатлар қисмини, ҳам даромадлар қисмини белгилаш муҳимдир, чунки бюджетнинг даромадлари ва харажатлари ўзаро бир-бирини тақозо этади, уни тўлиқ ҳисобга олмаслик, ноҳуш оқибатларни келтириб чиқаради.

Бюджет сиёсатининг асосий йўналиши молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий тизим соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш ва республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш мақсадида, давлат ихтиёридаги молия ресурсларини марказлаштиришдан иборатдир.

Бюджетнинг ижроси бюджет жараёнидаги асосий босқичлардан бири ҳисобланадики, бунда белгиланган истиқбол кўрсаткичлари, аниқ режалар ва турли муддатли дастурлар амалиётига тадбиқ этилади. Бюджет маблағларини иқтисод қилинган ҳолда, самарали ишлатилиши давлатнинг бюджет сиёсатининг устувор йўналишларини амалга ошириш имкониятини беради.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари иқтисодиётни эркинлаштириш, давлат бошқарувчилик функциясини қисқартириш ва унинг иқтисодиётга аралашувини чеклашдан иборат.

Шу билан биргаликда мамлакатда ишлаб чиқаришни шакллантириш ва ривожлантириш, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш, бюджет тақчиллигини тартибга солиш каби вазифаларни амалга ошириш учун, давлат даромадларини, аввало, солиқлар орқали иқтисодиётни бошқариш механизмининг тўғри, оқилона ишлаб чиқиш ва амалиётгатадбиқ этиш лозим бўлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан бюджет тақчиллигини маълум нисбатда ушлаб туриш ва уни тартибга солиш, бюджет маблағларидан сарфлашда мақсадли, самарали ва оқилона ишлатишга риоя этиш билан бирга даромадларни ўз вақтида тушириш бюджет ижросида яхши натижалар беради. Мамлакатимизда бюджет тизимини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисда “Биз бугун бюджет маблағларидан нечоғли самарали фойдаланаётганлигимиз тўғрисидаги масалага ҳам жиддий қарашимиз зарур. Бугун биз давлат маблағларини оқилона сарфлашнинг энг мақбул таркибига эгамиз, деб айта олмаймиз” деб таъкидлаб ўтган эди¹². Шу сабабли, яқин келажакда давлат бюджетини ижро этишнинг ғазначилик тизимини изчил жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

¹² И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон. 1998. 356-б..

Маълумки, “бюджетни тузиш ва ижро қилиш давлатнинг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлатнинг молиявий фаолиятининг мақсадли йўналишларини ифода этувчи бюджет таснифига асосланади”¹³.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “солиқ сиёсатини такомиллаштириш иқтисодий тартибдорлаштиришга ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид муаммоларни ўтиш шароитида муҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолди”¹⁴.

Солиқлар иқтисодий ислохотлар жараёнининг таркибий қисми, унинг ички ҳаракатлантирувчи омили бўлган ҳолдагина, иқтисодий ислохотлар мақсадига мувофиқ келиши мумкин. Билвосита бошқариш ҳақида гап кетганда, авваломбор иқтисодий ривожланишнинг муҳим жараёнининг солиқ тизими орқали амалга оширилиши тушунилади.

Жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатлари каби бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган Ўзбекистонда ҳам солиқлар давлат даромадлари ва давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси бюджетининг даромадлар қисмини шакллантиришда солиқларнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб, иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларининг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, таркибий жиҳатдан ўзгариб бормоқда.

Бюджет амалиётидаги жаҳон тажрибалари шуни кўрсатадики, мустақилликлардан ва ўзгаришлардан сўнг бюджет тизимида қатор ислохотлар ўтказила бошланди. Шунингдек, иқтисодий тартибдорлаштиришдан чиқиши билан банк тизими ўзгара бошлади. Банк тизими тубдан ўзгаришларни бошдан кечирди, бундан ташқари, банк тизимини

¹³ Ковалёва А.М. Финанси. Учебное пособие, Москва. Финансы и статистика. 1996. 39-с.

¹⁴ И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон. 1998. 358-б.

ривожлантириш учун давлат молияси жалб этган ҳолда, унинг маблағлари ишлатила бошланди.

Бюджетдан молиялаштирилган маблағлар вазирликлар ва идораларнинг бош тақсимловчилар ҳисобрақамига тушар эди, қайта тақсимлашнинг давоми тижорат банклари ёрдамида амалга оширилар эди. Банк тизими кўп поғонали бўлганлиги чун маблағларининг ҳаракати секинлашар эди.

Бюджет маблағларининг бош тақсимловчиси Молия вазирлиги қайсидир маънода бу маблағларнинг ҳаракати ва мақсадли ишлатилишини назорат қилиш имкониятидан четлаштирилган эди. Бюджет маблағларини банкда бир ҳисобрақамидан иккинчи ҳисобрақамга ўтказишдан тўхтаб қолишга, уларни мақсадсиз ишлатилишига йўл қўйилиши бунинг натижасидир. Бундан ташқари, бюджетнинг банк тизими орқали ижро этилишнинг кўзга кўринган энг катта камчиликларидан бири-инфляция жараёнини ўсиши бўлди, чунки, бюджет тақчиллигини кредитлаштириш автоматик равишда амалга оширилади ва эмиссион характерга эга.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бюджет маблағларининг тақчиллиги, бюджет ижросида банк тизимининг қўлланилиши қуйидаги ҳолатларга олиб келди:

- даромадларнинг тушишида тезқриқнинг пасайиши намоён бўлди, тартибга солувчи солиқларнинг ягона услуби йўқлиги бюджет ресурсларини бошқариш жараёни тезлаштиришдан маҳрум этар эди;
- тушган даромадлар ва қилинган харажатлар тўғрисида тезкор ахборот олинмас эди, яна қарзларига бўлган эҳтиёжини аниқ ҳисобини олишни қийинлаштирар эди;
- бюджетни ижро этишда фақат иккита кўрсаткич намоён бўлар эди: бюджет маблағларининг ҳажми ва ҳақиқатдаги тўловнинг суммаси, бу федерал бюджет маблағларини тўғри бошқариш имконини бермасди;

- кредит тақсимловчиларнинг бюджет маблағларини мақсадли ишлатишнинг назоратини қийинлашди, амалда эса мақсадсиз ишлатиш ва суистеъмол қилиш ҳолатлари мавжуд эди;
- бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ олувчилар ўртасидаги “ҳаракат” ниҳоятда узоқ эди, бу иш ҳақи ва унга тенглаштириладиган ижтимоий нафақаларни тўлашни кечиктирар эди, ўз навбатида, ижтимоий кескинликни ўсишга олиб келар эди;
- тижорат банклари ҳисобрақамида бюджет маблағларининг ўртача қолдиқнинг юқори даражаси шаклланди.

Бюджетни ижро қилишнинг ғазначилик тизимини банк тизимидан фойдали томонларини баҳолаш учун иккала моделни деталлаштириб кўриш керак бўлади.

Давлат бюджетини даромадлар қисми ижро қилишнинг банк тизимида бу жараённинг асосий қатнашчилари: Молия вазирлиги, Марказий банк, солиқ тўловчилар, банклар ва солиқ органлари ҳисобланади. Солиқ тўловчиларнинг маблағлари Марказий банкдаги ёки тижорат банклардаги солиқ органларининг ҳисобрақамига тушади. Тижорат банклари федерал бюджет даромадларининг тушуми тўғрисида беш кунда бир марта Марказий банк олдида ҳисобот берадилар, ҳудди шунча кунда умумлаштирилган ахборот Молия вазирлигига тушади. Марказий банкнинг кўзжда тутилмаган, унда фақат асосий даромадлар манбалари ажратилади.

Бюджетнинг даромадлар қисмининг ижросида солиқ органларининг функцияси тартибга солувчи солиқларни тақсимлашдан, нотўғри тўланган суммаларни қайтаришдан ва бюджет даромадлари тушумини ҳисобини олиб боришдан иборат. Давлат солиқ хизмати Россия Федерацияси ҳудудида солиқларнинг ва бошқа йиғимларнинг тушиши тўғрисида ойда икки марта ахборотларни умумлаштиради ва Молия вазирлигига тақдим қилади. Амалда даромадлар ҳисоботини юритиш тизими тушган даромадларнинг ҳажми тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ ахборот бермайди, бу қисқа муддатга солиқлар

ва йиғимларнинг прогнозларини қилишга, бюджетда кўзда тутилган харажатларнинг реал лимитини белгилашга ва энг асосийси, ўз вақтида молиялаштиришга салбий таъсир кўрсатади. бундан ташқари, Марказий банк ва Давлат солиқ хизмати ҳисоботида даромадлар бўйича берилган маълумотлар тўлиқ эмас ва Марказий банк маълумотлари билан таққослашнинг иложи йўқ.

Бюджетни харажат қисмининг ижроси банк тизими бўйича тармоқ вазирликлари ва идораларининг ҳисобрақамлари орқали амалга оширилади. Бунда бюджетнинг фақат иккита босқичи муҳрланади: биринчиси- ажратилган бюджет маблағларининг ҳажмини кўрсатиш ва иккинчиси- бюджетдан маблағ олувчилар билан касса харажатларини амалга оширишдир.

Бюджетдан маблағ олувчиларга бюджет маблағларини етказиш асосан тижорат банклари орқали амалга оширилади, яъни тижорат банкларига бу маблағларни “айлантириш!”, давлатнинг қимматли қоғозлар бозорида қатнашиш ва бу маблағлар ҳисобига кредит ресурсларини тўлдириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов маърузасида баён қилинган талаблардан келиб чиққан ҳолда, 2011 йил иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди, маърузада таъкидланишича, “солиқ-бюджет соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат харажатларни сарфлаш механизмини мақбуллаштирган ҳолда уларни қисқартириш лозим бўлади”¹⁵.

Дарҳақиқат, Давлат бюджети ижросининг янги механизмини амалиётга киритиш бугунги кунда бюджет ислоҳотларининг йирик йўналишларидан биридир.

¹⁵ И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маъруза, Халқ сўзи газетаси 2011 йил 22 январ сони.

“Ғазначилик органи – консолидациялашган бюджетни касса ижроси учун, давлат даромадлари ва харажатлари ҳисобини олиб борилиши учун, давлат харажатларига молиявий ресурсларни етарли бўлишини таъминлаш учун масъул бўлган Молия вазирлигининг таркибий бўлимидир”¹⁶.

Ғазначилик тизимида бюджет ижроси қуйидаги тамойилларга асосланади: касса ягоналиги, шахсий ҳисобрақамлар бўйича молиялаштиришнинг ҳисобини юритиш, бюджет тиниқлиги, бюджет мажбуриятларининг лимити, шартномаларни рўйхатга олиш

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, турли мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш босқичларида молиявий оқимларни, хусусан, бюджет оқимларини бошқаришнинг янги шакллари танлаш зарурияти туғилди.

Бу зарурият қуйидагиларни таъминлай оладиган молия соҳасидаги янги таркибий қисмининг шаклланишига туртки бўлади.

Жумладан:

- Давлат бюджети ижросини ва турли даражадаги бюджетларни бошқаришни таъминлаш;
- Давлат маблағларини тушумини ва масадли ишлатилишини назоратини кучайтириш;
- Бюджетлараро муносабатларни шакллантириш;
- Молия ва солиқ органлари ишларини мувофиқлаштириш;
- Солиқларни тўлиқ йиғиш ҳисобига бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш;
- Солиқ солиш ва уни тўлиқ йиғиш услубини такмиллаштириш;
- Ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун маблағларни йўналтириш ва турли даражадаги бюджетларда ижтимоий ҳимояланган моддаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлаш;

Иқтисодчи И.Акперовнинг ўқув қўлланмасида “Ғазначилик – Россия Федерацияси Молия вазирлигига ва унинг ҳудудий тузилиши таркибига

¹⁶ Адик Ли. Ўзбекистон Республикаси молия ҳукуки. Т., ТДЮИ., 2004., 149-б.

кирадиган ягона марказлашган тизимдан иборат давлатнинг махсус молиявий органдир”¹⁷ деб кўрсатилади.

Давлат бюджети, унинг даромадларини ижросининг ҳисоботи ва ташкilotларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ягоналиги, Давлат бюджети ғазначилик ижросининг асосий тамойилларидан ҳамда ғазначилик органларига юклатилган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда давлат бюджетининг ҳисобини юритиш ҳамда давлат бюджети ягона ғазначилик ижроси бухгалтерия ҳисобини юритиш план счётларини юритишга мос келади ва ҳисоботларни жамлашни анч енгиллаштиради.

Ғазначилик тизимида Давлат бюджети харажатларини, биринчи навбатда, биринчи даражали харажатларни ўз вақтида тўланишни ва кассали узилишлар ҳолатларини олдини олиш, бир территорияга тушадиган ресурсларни бошқа территориянинг мажбуриятини таъминлаш учун йўналтириш йўли билан, марказлашган тарзда турли даражадаги бюджетларни даромадларини бошқариш механизмини жорий қилиш мумкин.

2.3 Ягона ғазна ҳисоб-варағи ва ундан тўловларини амалга ошириш

Ҳукуматнинг ҳуқуқий ҳужжатига асосан, давлат бюджетининг даромадлари ва маблағлари ҳисобини юритиш учун Ғазначиликнинг Ягона ҳисоб-рақами фаолиятининг концепцияси яратилади. Давлат бюджети маблағларини самарали бошқариш, бюджет маблағларининг олувчиларига бўлган муддатларни қисқартириш, турли даражадаги бюджет тизимидаги тушумнинг марказлаштирилган тҳисоб-китобини юритишни таъминлаш, Давлат бюджети ижроси тўғрисида тезкор ахборот олиш, Давлат бюджети маблағлари оқимларининг ҳаракатини оптималлаштириш зарурияти пайдо бўлганлиги учун Давлат бюджети маблағлари Ғазначиликнинг Ягона ҳисоб-рақамида жамғарилади.

¹⁷ Акперов И.Г. и др. Казначейская система исполнения бюджета Российской Федерации. Учеб. Пособие, М.:Финансы и статистика. 2002. -44стр.

Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақами фаолиятининг концепцияси компьютерлаштирилган ғазначилик тизимида ва Марказий Банк муассасаларида пул ўтказишни электрон тўловлар орқали амалга оширилиши мумкин. Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақами-Давлат бюджети пул маблағлари тўпланадиган ва миллий валютада Давлат бюджети ижроси операциялари ифодаланадиган Марказий Ғазначиликнинг ҳисобрақамидир. Ғазначилик Ягона ҳисобрақами Марказий Банк муассасаларида очилади:

Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақами фаолиятини амалга ошириш икки босқичдан иборат. Ўтиш босқичида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Ғазначилик органларида барча бюджет ташкилотларини шахсий ҳисобрақамларини очиш ва унга ўтказиш якунланади.

2. Давлат бюджети харажатларини амалга ошириш ва даромадларини ҳисобини юритиш операцияларини марказлаштириш амалга оширилади.

3. Ғазначиликнинг вилоят ва туман босқичида электрон ҳужжатларининг айланиш тизимини киритилади.

4. Белгиланган меъёрий тартибда Марказий банк муассасалари ва ғазначилик органлари ўртасида электрон кўринишдаги ҳужжатларнинг айланиш тизимини ўрнатилади.

5. Бошқаларига нисбатан тайёргарлиги юқорироқ, маълумотларни етказишнинг асоси бўлган ахборот тизими мавжуд бўлган ва Марказий банк муассасалари ўртасида электрон кўринишдаги ҳужжатларнинг айланиш тизими ўрнатилган Ғазначиликнинг вилоят босқичида даромадларнинг ҳисоби ва давлат бюджети харажатларини амалга ошириш технологияларнинг ишлаши бўйича эксперимент ўтказилади.

Якунлаш босқичида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Давлат молиявий ресурсларини ҳисобини олиш, ишлатилиш ва мобилизация қилиш механизмини такомиллаштирилади.

2. Марказлашган Ғазначилик органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ғазначилик органларига юклатилган функцияларни бажаришга етарли шароит яратиш мақсадида ихчамлаштирилади.

3. Марказлашган Ғазначилик органлари ташкилий, моддий, техник таъминоти яхшиланади.

4. Марказлашган Ғазначилик органларида абортларни хавфсизлигини таъминланишини ҳисобига олган ҳолда, ягона ахборотлардан самарали фойдаланиш ва телекоммуникация тизимини кенг масштабда амалиётга тадбиқ этилади ва ривожлантирилади.

Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақами қуйидагиларни таъминлайди:

- Марказий Ғазначилик томонидан очилган Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақамида Давлат бюджети даромадларини ва маблағларини марказлаштириш.

- Турли даражадаги бюджетларда даромадларни ҳисобини олиш операцияларини марказлаштириш, даромадларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш ва давлат бюджети харажатларини амалга ошириш.

- Марказий Ғазначиликнинг Бош китобида давлат бюджети даромадларини ва харажатларини операцияларини ифодалаш.

Бошқача қилиб айтганда, Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақамидан фойдаланиш шароитида Марказий Ғазначилик органлари тизимининг фаолияти давлат бюджети ижросининг янги технологиясидан фойдаланишдир.

Ғазначиликнинг Бош китоби билан ҳукумат ресурсларининг ҳисоб-китобини юритилади ва молия тизимининг ахборот тизими фаолият кўрсатади.

Ғазначиликнинг Бош китоби-бюджет операцияларини бухгалтерия ҳисоб-китоби юритишнинг компьютерлашган тизимидир. Ғазначиликнинг Бош китобида давлат муассасалари билан бўладиган барча молиявий операцияларни ифода этилади.

Ғазначиликнинг Бош китоби давлатнинг барча асосий счётларини ўз ичига олади. Ягона бюджет таснифига мувофиқ, Ғазначиликнинг Бош китоби барча бюджет бирликларининг субсчётларини қамраб олади. Субсчётлардаги операциялар кодларни-сана, даромад, харажат, иқтисодий код, функционал дастур, ташкилий бюджет бирлиги сингари кодларни ўз ичига олади.

Ғазначиликнинг бош китоби Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақами ва субсчётлари билан бўладиган операциялардаги барчабухгалтерия проводкаларини ифодалайди.

Ғазначиликнинг бош китоби ҳам республика бюджетидан, ҳам маҳаллий бюджетдан молиялаштиришнинг ўз вақтида ҳисоб-китобини юритишни таъминлайди. Ғазначиликнинг Бош китоби жуда кўп бюджет бирликларини ўз ичига бирлаштиради. Ғазначиликнинг Бош китобида бюджет даромадлари ва харажатларини ҳаммаси кўринади.

Давлат операцияларининг бухгалтерик ҳисобини банк тизимидан Молия вазирлигига ўтказилиши билан, барча операциялар ягона ғазначиликнинг тизимининг Бош китобида акс эттирилади. Ушбу Бош китобидаги ҳисобрақамлар барча харажатларнинг ҳисоби, бюджет ташкилотларини қамраб олади, уларнинг ягона бюджет таснифини ва бюджет маблағларининг сарф қилинишини барча жараёнлари акс эттирилиши керак.


Ғазначиликнинг Бош китоби бюджет маблағлари ишлатилишини барча жараёнларини ўзида ифодалайди. Бундан ташқари, бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини дастлабки ва жорий назоратини таъминлайди. Ғазначиликнинг Бош китоби тезкор ҳисоботни тайёрлаш имконини беради. Тезкор молиявий ахборотларни олиш бир қанча имконият йўлини очади. Ҳозирги кунда Бюджет бошқармаси бюджет ва бюджет ажратмалари билан шуғулланади, лекин ҳақиқатда бу маблағлар қачон ва нима мақсадда сарф қилинаётганлигини билмайди.

Ғазначиликнинг Бош китоби-ҳудудлардаги ғазначилик бўлимларида фойдаланилаётган барча бирламчи ҳужжатлар ғазначиликнинг ахборот

тизимига киритилганда тегишли бухгалтерия ёзувлари (проводкалари) билан расмийлаштирилади ва шунинг натижасида Ғазначиликнинг Бош китобида акс эттирилади. Ғазначиликнинг Бош китоби ғазначилик ижросида бухгалтерия ҳисобини юритиш учун ишлаб чиқилган. Бухгалтерия ҳисоби маҳаллий бюджетларни ижросида барча ҳисобларни инобатга олади, яъни барча даромадлар ва харажатларнинг молиявий оқимларини, бундан ташқари барча молиявий ва номолиявий қолдиқларни ҳисобини ҳам юритади.

4-чизма

Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси



Ғазначилик деб аталадиган органлар давлат молиясини бошқаришга таалукли турли вазифаларни бажарадилар. «Ҳукумат томонидан молиявий операцияларни бошқаришдаги асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган.»

1. Давлат молиясини бошқариш.
2. Бюджетни ижро этиш.

3. Бухгалтерия ҳисоб китобини юритиш.

4. Назорат қилиш ва баҳолаш.

Давлат молиясини бошқаришни ўзи турли йўналишларга эга:

а) нақд маблағларни бошқариш.

Бюджет даромадларини ижросидаги бу фаолиятни йўналишлари куйидагилардан иборат:

-солиқларни ва бошқа тушумларни йиғиш;

-даромадларнинг тушишини назорат қилиш;

-тушумларни йиғишда банк билан бўладиган муносабатларни амалга ошириш;

-давлат бошқарув органларининг турли даражалари ўртасида даромадларни тақсимлаш;

-ресурсларни тақсимлаш ёки лимитларни белгилаш;

-харажатларни молиялаштириш учун талабномаларни тасдиқлаш ва уларни тўлаш.

б) Молиявий режалаштириш.

Давлат харажатларини молиялаштириш учун керак бўладиган ғазначиликнинг ягона ҳисоб рақамига тушадиган тушумларни тахминлаштиришни кўзда тутди.

в) Давлат қарзларини бошқариш.

г) Давлатнинг молиявий активлари устидан назорат қилиш.

3-боб. Наманган вилоятида ғазначилик фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишлари

3.1. Наманган вилоятида Ғазначилик фаолиятини ташкил этилиши ва унинг тахлили.

Наманган вилоятида иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлидаги асосий устиворликлардан бири вилоят молиясини бошқариш тизимини тартибга солиш, бозор иқтисодиётига ўтиш ва ахборот технологиялари ривожланиш даврида вилоятнинг молиясини бошқарадиган янги институтларга асос солишдир.

“Давлат бюджетини ғазначилик ижроси жараёнида давлат бюджет маблағларини мақсадли сарфланиши устидан 3 этапли назорат олиб бориш кўзда тутати, яъни дастлабки, жорий ва кейинги назорат. Дастлабки назорат товар, иш ва хизматлар етказиб берувчилар олдида бюджет ташкилотлар томонидан мажбуриятларни қабул қилиши (шартнома, контракт тузиш) босқичида амалга оширилади. Шу билан бирга ғазначилик органлари дастурий таъминот ёрдамида тўлов мақсади ва шартларини режалаштирилган бюджет ажратмаларида кўзда тутилган хажмлар шартномасига мувофиқлигини текшириш имкониятига эга. Товар, иш ва хизмат етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларга асосланган ҳолда мажбуриятларни рўйхатга олиш, етказиб берувчилар бўйича ягона маълумотлар базасини ташкил этиш имкониятини яратади, мазкур база нархларни оптималлаштириш ва бюджет ташкилотларига сифатли товарлар етказиб беришига ёрдам беради”¹⁸.

Наманган вилоятида Ғазначилик фаолияти 2006 йилдан буён ташкил этилган бўлса, шуни айтиб ўтиш жоизки ҳозиргача вилоятимизда ҳозирги пайтда консолидациялашган бюджетни ижро қилиш ва давлат бюджети

¹⁸ file:///C:/Documents and Settings/Admin/gazna.htm

маблағлари ҳисобига молиялаштирилаётган барча жараёнларнинг ўз вақтида бажарилиш ва аниқ ҳисобини юритилишдан иборат.

Шу мақсадда вилоятимизда ғазначиликнинг ҳисоб-китоб счётлари давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг тасниф тизими билан мослаштирилган.

Наманган вилоятида ҳудудий ғазначилик бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва харажатларни тўлаб бериш бўйича 2009 йил 1 январ ҳолатига: Наманган вилояти бўйича бюджетдан маблағ олувчилар сони жами 2103 та, маҳаллий бюджетдан маблағ олувчиларга очилган шахсий ҳисоб варақлар сони 1763 та, рўйхатга олинган шартномалар сони 25350 та бўлиб, бунинг суммаси 74917687 минг сўмни ташкил этган. Шулардан қайтарилган шартномалар: мақсадсиз тақдим қилинган шартномалар (моддаси нотўғри ва бошқалар) сони 79 та, суммаси 189240 минг сўм, сметадан ортиқча тақдим қилинган шартномалар сони 99 та бўлиб, умумий суммаси 179254 минг сўм, бу ерда ошган сумма миқдори 55543 минг сўмни ташкил этади.

Бундан ташқари, белгиланган ўртача нархдан ошган суммага тақдим қилинган шартномалар сони 19 та бўлиб, умумий шартнома бўйича суммаси 27845 минг сўмни ташкил этади ва ўртача нархдан ошган маблағ жами миқдори 4717 минг сўмни ташкил этган.

Ҳуқуқшунос ҳулосаси (имзоси) мавжуд бўлмаган шартномалар сони 331 та бўлиб, 477039 минг сўмни ташкил қилади ва бошқа сабабларга кўра қайтарилган шартномалар сони 841 та бўлиб, 1148389 минг сўмни ташкил этгандир.

Шунингдек, Наманган вилояти бўйича жами тўлаб берилган тўлов топшириқномалари умумий сони 256906 та бўлиб, 284768701,4 минг сўмни ташкил этади.

**Наманган вилояти бўйича жами бюджетдан маблағ
олувчиларнинг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ҳолати
тўғрисида маълумот¹⁹**

№	Кўрсаткичлар	2009 йил 1 январ ҳолатига	2010 йил 1 январ ҳолатига	2011 йил 1 январ ҳолатига
1.	Бюджетдан маблағ олувчилар сони	2103	1398	2026
2.	Маҳаллий бюджетдан мблағ олувчиларга очилган шахсий ҳисоб варақлар	1763	1716	5349
3.	Рўйхатга олинган шартномалар сони	25350	20234	46023
4.	Рўйхатга олинган шартномалар суммаси (минг сўм ҳисобида)	74917687	82651374,1	124998101,9
5.	Қайтарилган шартномалар жами сони	1369	2073	2619
6.	Қайтарилган шартномалар жами суммаси (минг сўм ҳисобида)	20211767	6757818,7	12831901,5

Қайтарилган тўлов топшириқномалар умумий сони 5458 та бўлиб, суммаси эса 7253778,8 минг сўмни ташкил этган. Шундан: шартнома орқали амалга ошириш лозим бўлган тўловларни шартномасиз тақдим қилинганлар сони 161 та, 220801,9 минг сўм суммаси; шартнома суммасидан ортиқча тақдим қилинганлар сони 284 та бўлиб, умумий суммаси 1300003,3 минг сўм ва ошган сумма миқдори 605923,5 минг сўмни ташкил этади; ҳисоб фактура суммасидан ортиқча тақдим қилинганлар сони 98 та бўлиб, умумий суммаси 447795,6 минг сўм ва ошган сумма миқдори 389316,6 минг сўмдир; сметадан ортиқча тақдим қилинган (шартномасиз амалга ошириладиган тўловлар

¹⁹ Наманган вилояти Ҳазначилик бўлинмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

учун) сони 271 та, умумий суммаси 556605,8 минг сўм, ошган сумма миқдори 305343,4 минг сўм; белгиланган ўртача нархдан ошган суммага тақдим қилинган сони 7 та, умумий суммаси 10719,9 минг сўм бўлиб, ошган сумма миқдори 60,1 минг сўм; бошқалар сони 4637 та бўлиб, 4717852,3 минг сўмни ташкил этган.

Наманган вилояти 2009 йил 1 январ ҳолатига бўйича нақд пул учун берилган чеклар: ёзилган чеклар сони 54153 та бўлиб, умумий суммаси 143954651,5 минг сўмни ташкил этган. Ҳақиқатдан тўланган чеклар сони эса 54153 та бўлиб, тўланган умумий суммаси 143954651,5 минг сўмни ташкил этган.

Наманган вилоятида ҳудудий ғазначилик бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва харажатларни тўлаб бериш бўйича 2010 йил 1 январ ҳолатига: Наманган вилояти бўйича бюджетдан маблағ олувчилар сони жами 1398 та, маҳаллий бюджетдан маблағ олувчиларга очилган шахсий ҳисоб варақлар сони 1716 та, рўйхатга олинган шартномалар сони 20234 та бўлиб, бунинг суммаси 82651374,1 минг сўмни ташкил этган. Шулардан қайтарилган шартномалар: мақсадсиз тақдим қилинган шартномалар (моддаси нотўғри ва бошқалар) сони 468 та, суммаси 2119141,5 минг сўм, сметадан ортиқча тақдим қилинган шартномалар сони 581 та бўлиб, умумий суммаси 988489,2 минг сўм, бу ерда ошган сумма миқдори 274916,4 минг сўмни ташкил этади.

Бундан ташқари, белгиланган ўртача нархдан ошган суммага тақдим қилинган шартномалар сони 45 та бўлиб, умумий шартнома бўйича суммаси 330566,6 минг сўмни ташкил этади ва ўртача нархдан ошган маблағ жами миқдори 108551,0 минг сўмни ташкил этган.

**Наманган вилояти бўйича жами ҳаражатларини тўлаб бериш ҳолати
тўғрисида маълумот²⁰**

№	Кўрсаткичлар	2009 йил 1 январ ҳолатига	2010 йил 1 январ ҳолатига	2011 йил 1 январ ҳолатига
1.	Тўлаб берилган тўлов топшириқномалар сони	256906	163041	436635
2.	Тўлаб берилган топшириқномалар суммаси (минг сўм ҳисобида)	284768701,4	284114435	762214585,3
3.	Қайтарилган тўлов топшириқномалари сони	5458	4926	7938
4.	Қайтарилган тўлов топшириқномалари суммаси (минг сўм ҳисобида)	7253778,8	1628560	28468958,1
5.	Нақд пул учун берилган чеклар сони	54153	38118	48966
6.	Нақд пул учун берилган чеклар суммаси (минг сўм ҳисобида)	143954651,5	99755079	139641433,1

Ҳуқуқшунос хулосаси (имзоси) мавжуд бўлмаган шартномалар сони 218 та бўлиб, 798002,1 минг сўмни ташкил қилади ва бошқа сабабларга кўра қайтарилган шартномалар сони 761 та бўлиб, 2521619,3 минг сўмни ташкил этгандир.

Шунингдек, Наманган вилояти бўйича жами тўлаб берилган тўлов топшириқномалари умумий сони 163041 та бўлиб, 284114435 минг сўмни ташкил этади.

²⁰ Наманган вилояти Ҳазначилик бўлинмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Қайтарилган тўлов топшириқномалар умумий сони 4926 та бўлиб, суммаси эса 1628560 минг сўмни ташкил этган. Шундан: шартнома орқали амалга ошириш лозим бўлган тўловларни шартномасиз тақдим қилинганлар сони 72 та, 32614 минг сўм суммаси; шартнома суммасидан ортиқча тақдим қилинганлар сони 495 та бўлиб, умумий суммаси 158759 минг сўм ва ошган сумма миқдори 22092 минг сўмни ташкил этади; ҳисоб фактура суммасидан ортиқча тақдим қилинганлар сони 248 та бўлиб, умумий суммаси 130672 минг сўм ва ошган сумма миқдори 6678 минг сўмдир; сметадан ортиқча тақдим қилинган (шартномасиз амалга ошириладиган тўловлар учун) сони 65 та, умумий суммаси 39249 минг сўм, ошган сумма миқдори 8905 минг сўм; белгиланган ўртача нархдан ошган суммага тақдим қилинган сони 28 та, умумий суммаси 5909 минг сўм бўлиб, ошган сумма миқдори 2216 минг сўм; бошқалар сони 4018 та бўлиб, 1261358 минг сўмни ташкил этган.

Наманган вилояти 2009 йил 1 январ ҳолатига бўйича нақд пул учун берилган чеклар: ёзилган чеклар сони 38118 та бўлиб, умумий суммаси 99755079 минг сўмни ташкил этган. Ҳақиқатдан тўланган чеклар сони эса 38118 та бўлиб, тўланган умумий суммаси 99755079 минг сўмни ташкил этган.

Наманган вилоятида ҳудудий ғазначилик бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва харажатларни тўлаб бериш бўйича 2011 йил 1 январ ҳолатига: Наманган вилояти бўйича бюджетдан маблағ олувчилар сони жами 2026 та, маҳаллий бюджетдан маблағ олувчиларга очилган шахсий ҳисоб варақлар сони 5349 та, рўйхатга олинган шартномалар сони 46023 та бўлиб, бунинг суммаси 124998101,9 минг сўмни ташкил этган. Шулардан қайтарилган шартномалар: мақсадсиз тақдим қилинган шартномалар (моддаси нотўғри ва бошқалар)

сони 347 та, суммаси 3697845,0 минг сўм, сметадан ортиқча тақдим қилинган шартномалар сони 646 та бўлиб, умумий суммаси 1569587,2 минг сўм, бу ерда ошган сумма миқдори 913740,1 минг сўмни ташкил этади.

Бундан ташқари, белгиланган ўртача нархдан ошган суммага тақдим қилинган шартномалар сони 239 та бўлиб, умумий шартнома бўйича суммаси 536827,3 минг сўмни ташкил этади ва ўртача нархдан ошган маблағ жами миқдори 69915,7 минг сўмни ташкил этган.

Ҳуқуқшунос хулосаси (имзоси) мавжуд бўлмаган шартномалар сони 404 та бўлиб, 3647910 минг сўмни ташкил қилади ва бошқа сабабларга кўра қайтарилган шартномалар сони 983 та бўлиб, 3379731,5 минг сўмни ташкил этгандир. Бундан келиб чиқадики Наманган вилояти бўйича қайтарилган шартномалар ҳисобига олинган ҳолда умумий рўйхатга олинган ва бажарилган шартномалар сони 2004 та бўлиб, 112166200,4 минг сўмни ташкил этади.

Шунингдек, Наманган вилояти бўйича жами тўлаб берилган тўлов топшириқномалари умумий сони 436635 та бўлиб, 762214585,3 минг сўмни ташкил этади.

Қайтарилган тўлов топшириқномалар умумий сони 7938 та бўлиб, суммаси эса 28468958,1 минг сўмни ташкил этган. Шундан: шартнома орқали амалга ошириш лозим бўлган тўловларни шартномасиз тақдим қилинганлар сони 570 та, 3972447,5 минг сўм суммаси; шартнома суммасидан ортиқча тақдим қилинганлар сони 588 та бўлиб, умумий суммаси 5694510,2 минг сўм ва ошган сумма миқдори 2100023,3 минг сўмни ташкил этади; ҳисоб фактура суммасидан ортиқча тақдим қилинганлар сони 319 та бўлиб, умумий суммаси 561093,0 минг сўм ва ошган сумма миқдори 68657,8 минг сўмдир; сметадан ортиқча тақдим қилинган (шартномасиз амалга

ошириладиган тўловлар учун) сони 992 та, умумий суммаси 3678619,8 минг сўм, ошган сумма миқдори 663555,5 минг сўм; белгиланган ўртача нархдан ошган суммага тақдим қилинган сони 254 та, умумий суммаси 481125,2 минг сўм бўлиб, ошган сумма миқдори 75949,4 минг сўм; бошқалар сони 5215 та бўлиб, 14081162,4 минг сўмни ташкил этган.

Наманган вилояти 2011 йил 1 январ ҳолатига бўйича нақд пул учун берилган чеклар: ёзилган чеклар сони 48966 та бўлиб, умумий суммаси 139641433,1 минг сўмни ташкил этган. Ҳақиқатдан тўланган чеклар сони эса 48966 та бўлиб, тўланган умумий суммаси 139641433,1 минг сўмни ташкил этган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, Наманган вилоят маҳаллий бюджети ижроси жараёнида ғазначилик орқали амалга оширилган дастлабки ва жорий назоратлар натижасида ўтган икки йил давомида бюджетга етказилиши мумкин бўлган ноқонуний ва мақсадсиз харажатлар олди олинди. Ушбу кўрсаткичлар ғазначилик тизимининг самараси дейишимизга тўла асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2008 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги маърузаларида айрим ҳудудларда янги замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, бозор инфратузилмлари ва кичик бизнес субъектларини ривожлантирилишига етарли эътибор қаратилмаганлиги натижасида Наманган вилоятининг шунингдек, бир қатор қишлоқ туманлари дотацияда қолаётганли кўрсатиб ўтилган эди.

Президентимиз маърузаларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кўпатириш ва маҳаллий бюджетлардаги дотация улушини камайтириш бўйича 2008 йилга белгилаб

берилган энг муҳим устувор йуналишлар асос қилиб олинди. Дастурни ишлаб чиқишда вилоят ҳудудларининг мавжуд потенциалларини, жадал ривожлантиришнинг асосий фактор ва йўналишларини, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилиниб, асосий эътиборни:

- Ҳудудлар иқтисодиётининг таркибий тузилишини такомиллаштириш, саноат ва хизматлар соҳалари улушини оширишга;
- Саноат корхоналарининг мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш ва модернизация қилиш, маҳаллий хом-ашёни чуқур қайта ишлаш, эҳтиёт қисмлар ва машинасозлик ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналарни маҳаллийлаштириш асосида ривожлантиришга;
- Кичик бизнес, касаначилик, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини кенг жалб этиш асосида аҳоли бандлигини оширишга;
- Ҳудудларнинг молиявий барқарорлиги, дотация улушини қисқартириш ва тугатишга;
- Шаҳар ва туманларда экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни ташкил этишга қаратилади.

3.2 Ғазначиликда операциялар назоратини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби молия-бюджет тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Давлатнинг бюджет сиёсати вазифаларининг барқарор ва самарали амалга оширилишида бюджет назорати тизими муҳим роль ўйнайди.

Давлат молиявий назорати тизимининг асосини бюджет назорати ташкил этади, у бир томондан, ресурсларнинг ҳал қилувчи қисмини ўзида жамлайдиган давлат бюджети маблағларининг шаклланиши ва

ишлатилишини тартибга солиш имконини беради, иккинчи томондан эса, барча молия бўғинлари ва бюджет муассасаларининг смета асосида харажатларни молиялаштириш амалиётидаги ўзаро алоқадорлигини таъминлайди, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари йўл тутиши даврида бюджет назоратининг барқарор ижтимоий иқтисодий ривожлантиришдаги роли янада ошди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бюджетдан анча миқдорда маблағ талаб қилинади. Ушбу маблағларни тўлиқ ва ўз вақтида етказиб бериш, асосан, самарали бюджет назорати орқали таъминланади. Шундай экан бюджет назорати ҳозирги даврда республика ва унинг ҳудудларида давлат бюджети самарали ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида муҳим таркибий қисмни маҳаллий бюджетлар ташкил этганлигини ва бюджет назоратининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда биз мустақил иш мавзусини ёритишда бюджет тизимининг мана шу бўғинидаги молиявий назоратга асосий эътиборни қаратдик.

Назорат бошқарувнинг таркибий қисми бўлиб Давлатни бошқаришда давлат функцияси ва мақсадини амалга оширишни кузатиш, таҳлил қилиш ва текширишни ўз ичига оладиган жараёндир. Назорат бошқарув циклининг якунловчи қисми бўлиб бошқарувдаги янги циклни бошланишини белгилаб беради.

Назорат бошқарувнинг бир функцияси сифатида бошқариладиган объект фаолияти мониторингини амалга ошириб, қабул қилинган қарорлар мақсади ва самарадорлигини баҳолаш ва уларни ижроси натижалари юзасидан четланишларни аниқлаш ва уларни тuzатишни амалга ошириш имконини яратади. Шундай қилиб назорат бошқарув циклининг шундай босқичида амалга ошириладиган ҳақиқий содир этилган воқелик қабул қилинган режаларга мувофиқ келадими ёки йўқми? Агарда са четланишлардаги


ҳолатлар салбий бўлса у ҳолда уларни вужудга келиш сабаби ва айбдорлари аниқланилади ва уларни тузатишга қаратилган чора тадбирлар белгиланилади. Шундай қилиб назоратнинг функцияси кўп қиррали бўлиб, белгиланган мақсад билан амалга оширилган ишни таққослаш мақсадида ҳақиқий аҳволни таҳлил қилиш, назорат қилинаётган фаолиятни баҳолаш ва аниқланган камчиликларни тузатиш юзасидан чоралар кўришни ўз ичига олади.

Ғазначилик операцияларини назоратини амалга ошириш давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағларни қонуний ва самарали ишлатилишини таъминлашни ўз ичига олади. Ғазначилик операцияларини назорати қуйидаги элементлардан иборат:

- Назорат субъекти
- Назорат объекти
- Назорат предмети
- Назорат тамойиллари
- Назорат услублари
- Назорат механизми
- Назорат тизими

5-чизма.

Давлат бюджетини ғазначилик ижроси тизимида назорат



Назорат субъектига юридик ва молиявий мажбуриятларни амалга оширувчи ходимлар ва уларнинг бевосита раҳбарлари киради.

Назорат объекти сифатида юридик ва молиявий мажбуриятлар бўйича операцияларни тушиниш мумкин.

Назорат предмети сифатида шартномалар, харжатлар сметалари, тўлов топшириқномалари, баҳолар мониторинги ва бошқалар.

Назорат тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин: режалилик, тизмилилик, узлуксизлилик, қонунийлик, объективлилик, ошқоралик, самаралилик.

Назоратнинг услубларига қуйидагилар киради: таҳлил, синтез, индукция, дедукция, оргнолептик, инвентаризация, бажарилаётган ишни назорат ўлчови, танлаб кузатиш, узлуксиз кузатиш, лойихалар ва смета ҳужжатларини экспертизаси, эксперимент, аналитик ҳисоб услуги, иқтисодий таҳлил, статистик ҳисоб, камерал текширув.

Ҳазначилик орқали назоратни ташкил қилиш натижасида:

- Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари томонидан республика, вилоят, шаҳар(шаҳарга бўйсунувчи туман) ва туман бюджетларини тузиш учун тақдим қилинган смета молиявий ҳужжатларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилишни амалга ошириш, маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда молия-бюджет қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиш ва бюджет маблағларини белгиланган мақсадларга иқтисод қилиб, йўналтиришга эришиш;
- Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари томонидан бюджет ташкилотлари харажатлар сметаларини

кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ўз вақтида етказиш бўйича ишларини тўғри ташкил этишни таъминлашга эришиш;

- Махсус маблағлар сметалари бўйича даромад ва харажатларнинг қонуний ҳосил қилинишига ва асосли режалаштиришга эътибор қилиш, бунда даромадларни янада тўлиқ ҳисобга олиш, ўтадиган пул маблағлари қолдиғини, мазкур маблағларни тежамли ва мақсадли ишлатилишини назарда тутиб, эътибор бериш;
- Сметани режалаштиришда аниқланган камчиликларни тезлик билан бартараф этиш бўйича чораларни қўллаш, сметалар бўйича аниқланган ортиқча маблағлар миқдорини, ташкилотларнинг раҳбарларини огоҳлантириб, бюджетдан ажратиладиган маблағларни қисқартириш назарда тутилади.

Сметаларни режалаштириш аҳволини текшириш натижалари ҳар йили тегишли молия йилининг биринчи чораги ва ярим йиллик бюджетларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботга илова қилинадиган ва молия органлари томонидан тақдим этиладиган тушинтириш хатида ёритилади.

Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими жорий этилиши билан дастлабки ва жорий молиявий назоратни амалга ошириш бюджетдан маблағ олувчилар билан биргаликда ғазначилик органларига ҳам юклатилди.

Давлат бюджетини ғазначилик ижроси тизимига ўтиш муносабати билан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни тассаруф этувчи бюджет ташкилотлари фаолиятини маблағ билан таъминлаш ғазначилик марказлари зиммасига юклатилди. Бюджет ташкилотлари маблағларини товар етказиб берувчи, хизмат кўрсатувчи иш бажарувчиларга ўтказиб бериш, бюджет ташкилотида ишлаётган ходимларга иш ҳақи ҳисоблаш ва иш ҳақидан ажратмалар ва мажбурий солиқ тўловларини ўтказиб бериш ғазначилик маркази орқали амалга оширилиши юридик ва молиявий мажбуриятларни келтириб чиқаради.

Мажбурият - бу одатда ёзма равишда расмийлаштирилган, сўзсиз бажарилиши талаб қилинувчи ваъда демакдир. Иқтисодий мазмунига кўра мажбурият фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши, яъни: мол-мулкни бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, пул тўлаш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиш ва бошқа шу кабиларни амалга оширилишини англатади.

Мажбуриятларни ҳисобга олиш тизимида қуйидаги омиллар мавжуд бўлиши керак:

- а) Мажбуриятларни қабул қилиш асосларини етарлилиги;
- б) Мажбурият қабул қилиш ҳуқуқига эга масъул шахслар мавжудлиги;

Мажбуриятларни қабул қилиш – бу ғазначи томонидан смета харажатларида кўзда тутилган маблағлар доирасида келажакда молиявий харажатларни амалга ошириш бўйича ҳаракатдир. Қабул қилинадиган мажбуриятлар суммаси тасдиқланган бюджет маблағлари меъёридан ошиб кетмаслиги лозим.

Давлат бюджетини ғазначилик ижроси тизимида шартнома тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик мажбурият вужудга келади.

Юридик мажбуриятларни ҳисобга олишни асосий мақсади бюджет назоратининг самарадорлигини янада орттириш, яъни харажатларнинг тасдиқланган режадан ошиб кетишига йўл қўймаслик.

Бюджет ташкилотлари билан товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи)лар ўртасида тузилган шартномаларни бошқаришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 05.05.2005 й.даги 63-сонли Буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 21.05.2005 й.да 1475 рақами билан рўйхатга олинган “Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизмат)лар етказиб берувчилар ўртасидаги

шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик Низом” ҳисобланади.

Шартномани ҳисобга олиш молия органи томонидан бюджетдан маблағ олувчи ва етказиб берувчининг номи ҳамда реквизитлари, шунингдек шартнома суммаси, унинг рақамлари ва тузиш санаси, ғазначилик маркази ходими томонидан Вақтинчалик низомнинг 1-сон иловасига кўра бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш китобида рўйхатдан ўтказиш рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

Шартномани рўйхатдан ўтказиш учун бюджетдан маблағ олувчи ғазначилик марказига шартноманинг битта асл нусхаси ва битта кўчирма нусхасини тақдим этади. Шартномаларга Вақтинчалик низомнинг 2-сон иловасидаги белгиланган қуйидаги шаклда тўловлар жадвали илова қилинади.

Ғазначилик маркази ходими бюджетдан маблағ олувчи томонидан шартнома тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида назарда тутилган тегишли режали бюджет маблағлари мавжудлиги масаласида шартномада кўрсатилган суммани текширади.

Агар тузилган шартномага кўра тўланадиган пул маблағлари суммаси бюджетдан маблағ олувчининг харажатлари сметасида назарда тутилган маблағлар суммасидан ошиб кетса, мазкур шартнома бюджетдан маблағ олувчига рўйхатдан ўтказмасдан қайтарилади.

Шартномани рўйхатдан ўтказиш бюджетдан маблағ олувчи томонидан шартнома тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида шартнома асл нусхаси ва кўчирма нусхасининг биринчи варағига “Рўйхатдан ўтказилди” ёзувини қўйиш ва рўйхатдан ўтказиш рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда амалга оширилади, уларни ғазначилик марказининг мансабдор шахси ўз имзоси ва штамп изи билан тасдиқлайди. Рўйхатдан

ўтказилгандан кейин рўйхатдан ўтказилган шартноманинг кўчирма нусхаси хисобга олиш ва сақлаш учун ғазначилик бўлимида қолади.

Ғазначиликнинг жавобгар ходими шартномани рўйхатдан ўтказиш тўғрисида сўровнома қабул қилгандан кейин қуйидагиларни текшириши керак:

➤ Бюджет таснифи тўғри қўлланилганлигини, яъни товар-моддий қийматликлари ва хизматларнинг (шартномалар бўйича) бюджет харажатлари таснифи моддаларига тўғри келишини;

➤ Шартномаларга асосан қабул қилинган мажбуриятлар бўйича харажатлар сметасида маблағларнинг мавжудлигини;

➤ Бюджет ташкилоти муҳри ва масъул шахслар имзоларининг мавжудлигини.

Ўтказиб берувчининг мазкур турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариши ёки сотиши (ишлар бажариши, хизматлар кўрсатиши) учун тегишли рухсатномалари мавжудлиги ва сифати талаб даражасида эканлигини текширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бунда тегишли рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномалар, фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензиялар ёки патентлар, шунингдек, товарнинг мувофиқлик сертификати, сифат сертификати ва бошқа шу каби талаб қилинувчи ҳужжатлар мавжудлиги текширилади ва уларнинг нусхалари илова қилинади. Товарлар хориждан келтирилганда, божхона юк баённоmalари нусхаси ҳам талаб қилинади.

Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш уч босқичли назоратни тўлиқ жорий қилишни тақозо этади. Яъни, бюджет ташкилоти контрагентдан товарлар сотиб олиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида офертани (таклифни) қабул қилиб олганидан сўнг, шартномани акцептлайди (имзолайди) ва Ғазначиликка рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади. Юридик мажбурият вужудга келиши учун бу шартноманинг рўйхатдан ўтказилиши талаб қилинади. Ғазначиликда

юримдик мажбурият вужудга келишидан аввал дастлабки назоратни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиб, бу нархлар мониторинги орқали таъминланади.

Бунда бюджет ташкилоти сотиб олмоқчи бўлган товарлар (ишлар, хизматлар нархи) муқобил етказиб берувчилар нархлари билан таққосланади. Муқобил етказиб берувчилар тўғрисида маълумот тўплашнинг турли усуллари мавжуд. Масалан, товар хом-ашё биржалари, бозорлардан маълумотномалар, рақобатчи ташкилотлардан тижорат таклифлари олиш, оммавий ахборот воситалари ва ихтисослаштирилган реклама нашрларидаги маълумотларни умумлаштириш мумкин. Муайян мисол билан исботлайдиган бўлсак, бюджет ташкилоти шифер сотиб олмоқчи бўлса, Тошкент Товар хом-ашё биржасидаги шифернинг улгуржа нархи тўғрисидаги маълумотномани ёки шифер ишлаб чиқарувчи ташкилот (“Қувасойцемент”, “Оҳангаронцемент” каби)нинг тижорат таклифини ёки шартномасини тақдим этиши талаб этилади.

Ҳар бир шартномага бир нечта (энг камида 4 та) етказиб берувчининг тижорат таклифи илова қилиниши, бунда ҳар бир етказиб берувчининг реквизитлари (номи, манзили, телефон рақамлари, раҳбари тўғрисидаги маълумотлари) аниқ кўрсатилиши, етказиб берувчилар шу соҳада узоқ йиллик иш тажрибасига эга бўлган, юқори мавқели корхоналар бўлиши тавсия этилади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилувчи товарлар воситачиларсиз, айнан ишлаб чиқарувчининг ўзидан сотиб олиниши, четдан келтирилувчи товарлар эса бевосита импортёрдан сотиб олиниши нархларнинг орттириб юборилишини олдини олади.

Ҳозирги кунда молия органларида нархлар мониторингини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарори билан таслиқланган “Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини

ўтказиш тўғрисидаги Низом” нархлар мониторингини амалга оширишда асосий қонун ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

Юридик мажбурият бюджет ташкилоти билан контрагент ўртасида маълум бир муддатдан сўнг маълум бир товарни етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида шартнома имзоланганидан ва бу шартнома тегишли тартибда Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келади.

Молиявий мажбурият эса ана шу шартномага мувофиқ товарлар етказиб берилган (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилганидан) кейин вужудга келади. Молиявий мажбуриятнинг юзага келиши тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланишни талаб этилади. Масалан, счет фактуралар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматларни қабул қилиб олиш-топшириш далолатномалари, иш ҳақи ведомостьлари ва бошқа шу каби ҳужжатлар. Мазкур ҳужжатлар тегишли ваколатга эга бўлган масъул шахслар томонидан имзоланиши ва ташкилот мухри билан тасдиқланиши шарт. Бюджет ташкилотлари амалдаги қонунчилик талабига кўра энг камида олдиндан 15 фоиз тўлов амалга оширилишини таъминланишига алоҳида эътибор қаратишлари талаб қилинади.

Молиявий мажбуриятларни ҳисобга олишни асосий мақсади қабул қилинган юридик мажбуриятлар, тасдиқланган смета меъёрида харажатларни амалга оширишни таъминлаш, ҳамда бюджет ташкилотлари кредиторлик қарзларини назорат қилишдир.

Бюджет ташкилоти тасарруфида бўлувчи пул маблағлари миқдори молия органи томонидан тасдиқланган смета билан чекланган. Юридик мажбуриятлари ҳам сметада кўрсатилган харажат моддалари доирасидан четга чиқмаслиги назорат қилинади. Бюджет ташкилотлари молиявий мажбуриятлари лимити уларнинг тасарруфида бўлган пул маблағлари билан белгиланади. Бюджет ташкилоти йил давомида кўплаб контрагентлар билан шартномалар тузади. Уларни бажарилишини таъминлаш учун пул

тўловларини амалга оширади. Молиявий мажбуриятларини лимитини баҳолашда 1 ва 2-гурӯх харажатлари ўз вақтида молиялаштирилишига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўз вақтида, кечиктирмасдан берилиши, иш ҳақи фонидан ажратмалар тўланиши шарт. Бошқа харажатларни амалга оширилишида ҳам бюджет ташкилоти тежамлилик, оқилоналик тамойилларига амал қилиши талаб этилади. Харажатлар тегишли рухсат асосида амалга оширилиши ҳамда уларнинг ҳажми йиллик ажратмалар ва харажатларни амалга ошириш рухсати миқдоридан ортиб кетмаслиги шарт.

Ғазначиликда пул маблағларини самарали бошқариш, молиявий мажбуриятларнинг лимитини баҳолаш учун харажатларни амалга ошириш рухсати (ХАОР) жорий этилади. Бунда ҳар ҳафтада пул маблағларини бошқариш бўлинмаси касса режасини янгилайди ва ХАОР ҳажмини белгилайди. Кейин бюджет таснифига мувофиқ бюджет ташкилотларига харажатларни амалга ошириш учун рухсат берилади²¹. ХАОРлар муайян муддатга ёзилади ва шу муддат ўтгандан сўнг улар ўз кучини йўқотади.

Йил давомида муайян бюджет (масалан, туман бюджети)нинг бюджет ташкилотлари учун сметалар асосида харажатларни амалга ошириш рухсат (ХАОР)лари ёзиб берилади. Бироқ, бюджет прогнозлаштирилганга нисбатан озроқ даромад олса, харажатларни амалга ошириш рухсатлари тўлиқ ҳажмда берилмайди. Шунинг учун, йиллик моиялаштириш маблағлар ва сметалар аниқлаштирилмагунча, харажатларни амалга ошириш рухсатларини олиш учун режадан ташқари бюджетлараро ссудалар тақдим этилиши мумкин. Ғазначилик ХАОРлар чиқарилиши ва тўланиши, юридик мажбуриятларнинг рўйхатга олиниши, счет-фактураларнинг ва тўловга аризаларнинг ёзилиши, аризаларнинг тасдиқланиши ва тўлов амалга оширилиши учун масъул бўлиб ҳисобланади.

¹⁷ ХАОР лар харажатларнинг устувор йўналишлари, масалан, дори-дармон воситаларини харид қилиш ва бошқа шу кабилар учун махсус чиқарилади.

Молия органлари бюджетдан маблағ олувчи тақдим этган, Вақтинчалик низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатларни уларнинг Вақтинчалик низом 9-бандининг талабларига мувофиқлиги масаласида текширадилар.

Бюджетдан маблағ олувчилар тақдим этган ҳужжатлар Вақтинчалик низом талабларига мувофиқ келса, молия органи тўлов топшириқномаси биринчи ва тўртинчи (агар тўлов топшириқномалари мазкур Вақтинчалик низом 10-бандининг “б” кичик бандига мувофиқ тақдим этилса, учинчи) нусхаларининг орқа томонига “Текширилди” ёзувини қўйиш йўли билан тўлов топшириқномаларига тегишли белгиларни қайд этади, уларни молия органининг мансабдор шахси ўз имзоси ва молия органи муҳри изи билан тасдиқлайди.

Бюджетдан маблағ олувчилар тақдим этган тўлов ва бошқа ҳужжатлар Вақтинчалик низом талабларига мувофиқ келмаса, молия органи уларни бюджетдан маблағ олувчига қайтариб, тўлов топшириқномаларининг орқа томонига уларга белги қўймасдан, мувофиқ эмаслик сабабларини кўрсатади.

Бюджет маблағларини олувчиларнинг харажатларини Ғазначилик бўлимлари томонидан тўлаш бўйича электрон тўлов ҳужжатлари бюджет маблағларини олувчиларнинг икки нусхада тақдим этилувчи тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги аризаси ва тўлов топшириқномаси асосида шакллантирилади.

Тегишли тартибда тўлдирилган тўлов топшириқномаси бюджет маблағларини олувчилари томонидан Ғазначилик бўлимларига тақдим этилади. Бунда тўлов топшириқномасининг суммаси тегишли харажат гуруҳлари ва харажатларни амалга оширишга рухсатномалар доирасида бўлиши таъминланади. Тўлов топшириқномасининг “Тўловчи” графасида Ғазначилик бўлими, “Тўловчи счёти” графасида ғазначилик счёти, “Тўлов тафсилотлари” графасида бюджет маблағини олувчининг Ғазначиликдаги шахсий счёти ҳамда тўлов мақсади, тўловни амалга ошириш учун асос бўлиб

ҳисобланувчи юридик ҳужжат, бюджет таснифи бўйича мос кодлар кўрсатилади.

Аризада ва тўлов топшириқномасида кўрсатилган маълумотлар Ғазначилик бўлимларининг молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлими масъул ходимлари томонидан электрон тўлов топшириқномасини шакллантириш ва тизимли назоратни амалга ошириш учун “Ғазначилик” Дастурига киритилади.

“Ғазначилик” Дастури маълумотларни киритиш жараёнида қуйидаги талабларга мос эканлигини тизимли равишда текширилади:

“Ғазначилик” Дастурида харажатлар сметаси, калькуляциялар, шунингдек, харажатларни амалга оширишга рухсатномалар бўйича бюджет ассигнованиялар мавжудлиги;

Республика Ғазначилик счётида муайян бюджет маблағини олувчи учун тегишли харажатлар гуруҳи бўйича етарли бюджет маблағлари қолидиғи мавжудлиги;

Тўлов топшириқномаси суммасининг Ғазначиликда рўйхатга олинган шартнома ва тўловлар жадвали суммасидан кўп эмаслиги;

Счет-фактуралар ва бюджет маблағини олувчиларга маҳсулот етказиб берилганлиги (ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлиги) ҳамда бюджет маблағари олувчиларининг маҳсулот етказиб берувчилардан қарзи борлигини исботловчи бошқа ҳужжатлар, шунингдек бюджет маблағларини олувчиларни маҳсулот етказиб берувчиларга аванс тўлови тўлаш мажбурияти мавжудлигини исботловчи ҳужжатлар мавжудлиги;

Тўлов топшириқномасида кўрсатилган маҳсулот етказиб берувчининг номи ва реквизитлари рўйхатдан ўтказилган шартномада кўрсатилган ном ва реквизитлар билан мослигини.

Мазкур талаблар барчаси қондирилган ҳолда, молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимининг масъул ходими тўлов

топшириқномасини “Ғазначилик” Дастурига киритади ва «СОХРАНИТЬ» тугмачасини босиш орқали сақлайди.

Молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимининг ваколатли масъул ходими аризадаги маълумотларнинг тўлов топшириқномасидаги маълумотларга мос эканлигини текширади, аризага “текширилди” деб ёзиб, текшириш санасини кўрсатган ҳолда имзо қўяди.

Шундан сўнг, молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимининг масъул ходими тўлов топшириқномаси ва аризани молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлими бошлиғига тақдим этади, у эса бу ҳужжатлари текшириб, “Ғазначилик” Дастурида шакллантирилган электрон тўлов топшириқномасини ўзининг электрон имзоси билан тасдиқлайди ва Ғазначилик бўлими бошлиғига тақдим этади.

Ғазначилик бўлими бошлиғи ҳам ўз навбатида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, тўлов топшириқномаси ва аризанинг электрон тўлов топшириқномаси билан мослигини текширади, хато ва камчиликлар аниқланмаган ҳолда, электрон тўлов топшириқномасини ўзининг электрон имзоси билан тасдиқлайди ва ижро учун хизмат кўрсатувчи банкка жўнатади.

Ваколатли банк бўлиmidан тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни қабул қилиб олганидан сўнг, “Ғазначилик” Дастури автоматик равишда электрон тўлов топшириқномасини “тўланди” деб белгилайди. Бундан сўнг, молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимининг масъул ходими тўлов топшириқномаси ва аризани тегишли ёзувларни киритиб, санани кўрсатган ҳолда ўз имзоси билан тасдиқлаб бюджет маблағларини олувчисига топширади.

3.3 Ғазначилик фаолиятини ахборотлар билан таъминланишини такомиллаштириш.

Тез ўзгариб ва ривожланиб бораётган ҳозирги давримизда, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосидан фан ва илмий-техника ютуқларига асосланган замонавий билимларни мукамал эгаллашни талаб этмоқда.

Ахборот технологиялари ривожланишининг замонавий жаҳон даражаси шундайки, республикада жаҳон ахборот маконининг ахбоорт инфратузилмалари ва жаҳон ахборот ҳисоблаш тармоғи интеграциясига мос келувчи миллий тизимни яратиш иқтисодиёт, бошқариш, молия, фан ва таълим самарадорлигининг муҳим омили бўлмоқда. Бу муаммолар анча мураккаб ва айни пайтда республикамиз учун долзарбдир.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда янги билимларни ишлаб чиқиш учун технологиялар, услублар, техник воситаларни ишлаб чиқиш бўйлан боғлиқ ахборот саноати ривожланиш босқичига кирди. Янги аср бўсағасида автоматлаштирилган ахборот технологиялари жудаям ривожланиб бормоқда, чунки улар нафақат тиббиёт, қурилиш, ижтимоий ва ҳарбий соҳаларда, балки, иқтисодиёт соҳасида, жумладан, молия, банк соҳаларида ҳам кенг ва унумли қўлланилмоқда.

Келажакда иқтисодий ривожланишда ахборот босқичлари шу даражага етар эканки, ишлаб чиқаришдада меҳнат унумдорлиги ўсиши ҳисобига, илмий-техникавий ва ахборот воситалари нафақат етакчи саноати ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида, балки умуман жаҳон иқтисодиётида нафақат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони билан, балки ўзлари учун зарур бўлган ахборот воситаларидан қандай фойдаланиши билан ҳам белгиланмоқда.

Ишлаб чиқариш соҳаларида фан ва техника ривожланиши шунга олиб келмоқдаки, жаҳон иқтисодиётида муҳим роль ўйновчи ахборот секторлари ташкил топмоқда. Ушбу ахборот секторлари таркибига ахборотларни ишлаб чиқарувчи ва уни қайта ишловчи тармоқлар, ахбоортларни қайта ишловчи асбоб-ускуналар, ахборотларни ишлаб чиқарувчи компьютерлар, коммуникация ва алоқа воситаларини узатувчи асбоб-ускуналар ва

хакозоларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар киради. Ахборот секторлари миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларига, жумладан, молия соҳасига ҳам тобора кириб келмоқда.

ЮНЕСКО нинг берган маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда дунёнинг саноати ривожланган мамлакатларида яшовчи аҳолининг 50%дан ортиғи ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида хизмат қилиш билан бир каторда ахборотларни дунёга тарқатиш жараёнида иштирок этмоқда.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтилиши жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларига ахборотлаштириш соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқларни тадбиқ этиш суръатларини ғоятда тезлаштириб юборди. Чунки жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламай туриб, мамлакат тараққиётининг таъминлаш қийин бўлади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонли шериклик ўрнини эгаллай бориши, игсон фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланишнинг кўламлари қандай ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самарадорлигини оширилишида қандай рол ўйнашига боғлиқ.

Ахборотлаштиришнинг асосий мақсади, интеллектуал фаолиятда янги информацион технологиялардан фойдаланиш, замон талабларига мос равишда мутахассислар тайёрлаш сифати ва фойдаланиш даражасини оширишдан иборат. Давлат молиясини бошқариш шакллари ва усулларини такомиллаштириш фан-техника тараққиёти ютуқлари, электрон ҳисоблаш машиналари ва бошқа техник воситалар ёрдамида ахборотни жамлаш, ишлаб чиқиш, узатиш қонунлари ва усулларини ўрганиш билан шуғулланувчи ахборотлаштиришни янада ривожлантириш асосида ўтади.

Ахборотлаштиришнинг усул ва воситалари янги ёки замонавий деб аталувчи автоматлаштирилган ахборот технологиялари кўринишида ҳам

амалга оширилмоқда. Молия соҳасида замонавий ахбоорт технологияларидан фойдаланиш иқтисодий ахборотлар сифати, унинг аниқлиги, объективлиги, тезкорлиги ва бунинг натижаси сифатида эса бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш имконияти ошишини таъминлайди.

Япон олимларининг таъкидлашича, ахборот жамиятида компьютерлаштириш жараёни инсонларга ишончли ахбоорт манбаидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ахборотни қайта ишлашни автоматлаштиришнинг юқори даражасини таъминлашга имкон беради. бугунги кунда ахборотлаштириш кишилиқ жамиятининг барча соҳаларига кириб бормоқда. Янги, ҳали илмий адабиётларда мустақкам жойлашиб улгурмаган – “ахборотлашган иқтисодиёт”, “ахборотлашган ресурслар”, “ахборотлар тизимини бошқариш”, “ахборотлар бизнеси” каби тушунчаларга дуч келмоқдамиз.

Инсоннинг ахборот ишлаб чиқиши бўйича имкониятларини кучайтирувчи замонавий технологиялар билан қуроллантириш – ахборотлаштириш саноати жадал ривожлантиришни талаб этувчи энг муҳим техник, иқтисодий вазифалар амалга оширилмоқда. 70-йилларнинг бошларигача компьютерлаштиришга катта эҳтиёж сезилмаган. Компьютерлаштириш жараёнинг кескин кенгйиши, микропроцессорли техниканинг оммавий ривожланиши, айниқса, ЭҲМларини кенг қўллаш масаласини муҳим зарурияти қилиб қўйди.

Яқин йилларда иқтисодчи ва молиячининг иш жойини компьютерсиз тасаввур қилиш қийин ва бу универсал техниканинг имкониятлари мутахассислар томонидан тўлиқ даражада фойдаланиш керак бўлади, автоматлаштирилган ахборот технологиялари мутахассисга иқтисодий жараёнларни бошқаришда самарали фойдаланиш имконини беради.

Шундай давр келадики, унда жамият, ишлаб чиқаришнинг салоҳияти ва илмий даражаси ЭҲМларнинг миқдорий қуввати ва ахборотларни улар ёрдамида қайта ишлашни такомиллаштириш даражаси билан белгиланади.

Техник воситалар комплекси ёрдамида ахборотларни қайта ишлаш технологияси айрим ноинформацион элементлар билан манипуляция қилиш шакллангантавсифини ва элементларни ўрганилишини таъминлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ва узатишни қулайлиги уун идентификациялаш заруриятини келтириб чиқаради, шаклланган кўринишда тақдим этилган ахборотга-маълумот номи берилади.

Жаҳон хўжалигида илмий-техникавий ва ахборот ресурслари ўз навбатида инсон ресурсларининг бундан кейинги ривожланишдаги энг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Ахборот технологиясини қўллашдан мақсад-ахборот захираларидан фойдаланилганда меҳнат машаққатини камайтиришдир.

Ахборот ресурслари (захиралари) деганда, ташкилот учун кадр-қимматга эга бўлган моддий захира сифатида қатнашадиган маълумотлар йиғиндиси тушунилади, улар жумласига маълумотлар файли, ҳужжатлар, матнлар, графиклар, билимлар, аудио-видео ахборотлар киради. Дастур, лойиҳа ва билимлар негизи-ахборот захираларининг ҳаётийлик даврининг тугалланган шаклидир, улар ўзларида жамланган билимларни олиш имконини беради.

Ахбоорт ресурслари иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири давлат молиясини бошқариш соҳасида ҳам катта аҳамият касб этади. Зотан, ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, эрурсан шах, агар огоҳсен-сен, агар огоҳсен-сен, шахсен-сен. Яъни инсон аниқ, долзарб ва тезкор ахборотга эга бўлса, унинг фаолиятини тўғри йўлга қўйишнинг асосий замини бўлиб хизмат қилади.

Ахбоорт-лотинча “information”-тушунтириш, хабар бериш маъносини беради. ахборот бирон-бир далил, воқеа, ҳодисани баён қилиш, тушунтиришни билдиради, бу кибернетиканинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, хабар, маълумот, кўрсаткичларнинг мажмасидир. Кенг маънода ахборот моддий дунёнинг у ёки бу томони ва унда содир бўлаётган

жараёнларни билдиради, оддий қилиб айтганда ахборотни фойдаланиладиган маълумотлар деб атаса бўлади.

Мазмунига ва инсон фаолиятида хизмат қилиш доирасига кўра ахборот жудаям хилма-хилдир, булар илмий, ишлаб чиқариш, бошқарув, тиббиёт, иқтисодиёт, молия, экология, ҳуқуқ ва бошқа соҳалари бўлиши мумкин.

Иқтисодий ахборот-ахборотнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий ахборот-ишлаб чиқариш жараёнлари, моддий ресурслар, бозорлар, банк ва молия муассасалари фаолият билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Сўнгги ахборот инқилоби янги соҳа-технологиялар, услублар, техник воситаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ахборот саноатини олдинги каторга сурмоқда. Ахборот технологиялари, айниқса телекоммуникацияларнинг барча турлари ахборот саноати энг муҳим ташкил қилувчилардир.

Замонавий ахборот технологияси компьютер техникаси ва алоқа воситалари соҳасидаги ютуқларга таянади. Саноат ишлаб чиқариши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг мураккаблашуви, илм фаолиятининг барча соҳалардаги жараёнлар динамикасининг ўзгариши, биринчи томондан, билимларга эҳтиёжнинг ўсишига, иккинчи томондан мазкур эҳтиёжларни қондиришнинг янги восита ва усуллари яратишга олиб келди.

Иқтисодиётнинг турли соҳалардаги каби бюджет тизимида, айнан бюджети ижросида ҳам жаҳон тажрибасига асосланган ижобий ўзгаришларнинг амалга оширилиши бугунги талабидир.

Давлат бюджети ижросининг янги механизмининг амалиётига киритиш бугунги кунда бюджет ислохотларининг йирик йўналишларидан биридир. Республикамизда давлат молиясини бошқаришдаги ислохотларининг яна бир йўналиши бюджетнинг бажаралашини автоматлаштирилган ғазначилик тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда бюджет

тизимининг барча босқичларида ягона ташкилий-ҳуқуқий асослардан, стандарт ва бюджет технологияларидан фойдаланиш, солиқ тўловчиларнинг пулини иқтисод қилиш ва кўзланган мақсадга эришиш учун ғазначилик тизимини яратилади.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидаги ғазначилик тизимини Ўзбекистонда ҳам жорий этиш, давлат молиясининг ҳолати тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотлар олиш имконини берадики, бу эса давлат молиясини самарали бошқаришни таъминлайди.

Ғазначиликни самарали фаолият кўрсатишнинг асосий шартларидан бири замонавий компьютерлар технологияси ва алоқа тизимидан фойдаланишдир. Шунинг учун бугунги кунда ғазначиликни ишини ахборотлар билан таъминлаш тинимсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунини айтиб ўтиш керакки, ғазначилик органларини замонавий компьютерлар технологияси ва алоқа узатиш воситалари базасида ахборотлар билан таъминлашни ғазначилик жорий этиш билан бирга паралел равишда олиб борилиши керак.

Ғазначилик органларининг барча босқичларининг барча босқичларини, бюджетдан маблағ олувчиларни ва бюджет маблағи тақсимловчиларини ўзаро алоқасини электрон ахборотлар билан таъминлайдиган ва автоматлаштирилган тизимига раҳбарликни амалга ошириладиган ахборот бўлим мавжуд бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга оширишга Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистон Республикасида молия ахборот тизимининг функционал ва техникавий тузилмасини ишлаб чиқишга 500,0 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратилди.

Ривожланган мамлакатлар амалиётини таҳлил қилиш натижалари шунини кўрсатадики, давлат тузилиши турлича бўлган АҚШ, Буюк Британия, Россия, Япония, Франция, Австралия каби мамлакатларда давлатга қарашл маблағлар

ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида тўланади, давлат қарзларини бошқариш ғазначиликка юклатилган.

Ғазначилик департаменти муомилага қимматли қоғрзлар чиқаришни, уларнинг ҳажмини, таркибини ва тўлов муддатини назорат қилади, барча давлатларда молия-ахборот тизимини фаолият кўрсатади. бунда бюджетни тайёрлаш, уни ижро этиш ва йиғилган тушумларнинг ва қилинган харажатларнинг ҳисоби амалга оширилади. Мазкур ахборот тизими орқали ғазначилик органлари билан, тармоқ департаментлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Мамлакатда бундай тизимнинг мавжудлиги ҳар доим давлатнинг молиявий ресурслари тўғрисидаги тезкор умумий ахборотларни олиш имконин беради.

Россия Федерациясида Ғазначиликни турли бўлинмаларини фаолиятини автоматлаштириш учун даромадларни ҳисобини юритишда, солиқ тўловчилардан тушган тушумларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлашда давлат бюджети ижросининг “Казна” ППП (пакет приладних программ) даромад модули яратилган ва амалиётга киритилган.

“Казна” тизими қуйидаги операцияларни амалга оширади:

- давлат бюджетига маблағлар тушуми тўғрисида долзарб ва ишончли ахборотларни олиш;
- давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича ҳисоб-китоб юритиш, йиғиш, ишлаш, таҳлил қилиш ва ахборотларни сақлаш;
- давлат бюджетининг даромадлар бўйича статистик ва аналитик ахборотларни бериш;
- давлат бюджетининг даромадларининг ҳисобини юритиш ва тўлов ҳужжатларини шакллантириш;
- давлат бюджетининг даромадлар бўйича тезкор ва ойлик ҳисоботларини тайёрлаш.

Ғазначилик органлари ушбу ахборотларни олганларидан кейин қуйидаги вазифаларини бажариши мумкин:

- давлат бюджетига тушган маблағлар динамикасини назорат қилиш;
- бюджетдан берилдадиган ажратмаларни режалаштириш ва коррективка қилиш мақсадида давлат бюджетига тушган маблағлар динамикасини прогноз қилиш.

- Давлат бюджетига банк орқали тушган солиқлар ва йиғимлар ҳаракатини кузатишни амалга ошириш;

- Турли даражадаги бюджетлар ўртасида тартибга солувчи даромадларни тақсимлаш;

- Давлат бюджетига тушган даромадлар динамикаси, вилоят ва туманларни ҳозирги ҳолати тўғрисида ғазначиликнинг юқори органларига, солиқ хизмати ва маҳаллий молия органларига ахборотларни узатиш.

Давлат бюджети ижросининг “Ғазна” тизими ойнинг 1,5,10,15,20,25 санасига Ғазначиликни Бош бошқармасига тақдим қилинадиган “Давлат бюджети даромадларининг тушуми тўғрисида” тезкор ҳисоботини тузиш имконини беради.

Ўзбекистонда ғазначилик тизимини жорий қилиниши натижасида қуйидаги ижобий натижаларга эришилмоқда, яъни:

- Бюджет ташкилотлари мажбуриятларини олгандан кейин пул маблағларини ягона ғазначилик ҳисобварағидан тўғридан-тўғри таъминотчиларнинг ҳисоб рақамига ўтказиш натижасида пул оқимлари ҳаракати бўйича жараёнларни қисқартиришга;

- Тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида бюджет ташкилотларини товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар олдида мажбуриятлар қабул қилиш босқичида(шартномалар тузиш вақтида) дастлабки назоратни амалга оширишга;

- Молия олганлари томонидан бюджет харажатларини ўз вақтида ва манзилли молиялаштириш билан бюджет маблағларини бош тасарруф этувчилар томонидан суистеъмол қилишни ва нотўғри сарфланишини олдини олиш мақсадида жорий назоратни амалга оширишга;

- Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмини касса ижросининг ҳар кунги мониторингини ўтказишга;
- Давлат молиясининг ҳолати тўғрисидаги тезкор ва аниқ ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил қилишга;
- Қисқа фурсатда давлатнинг молиявий ресурслари реал ҳажмини ва унинг истиқбол кўрсаткичларини аниқлашга;
- Вақтинчалик ҳаракатда бўлмаган бюджетнинг эркин маблағларини, молия бозорларда самарали жойлаштириб, ундан олинган даромадни эса бюджет харажатларини тўлиқ молиялаштиришга, бюджет тақчиллигини камайтиришга ва давлат қарзлари тўловига йўналтиришга эришиб келинмоқда.

Юқоридаги ижобий натижаларга қарамасдан, бугунги кунда ғазначилик тизимида ҳали ҳам муаммолар мавжуд. Ушбу муаммолардан энг асосийси, тизимда фаолият кўрсатаётган кадрларнинг тажрибалари етарли даражада эмаслигидир. Муаммони бартараф этиш учун, иқтисодиёт олий таълим муассасаларнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалар билан ғазначилик бўлинмаларининг етакчи мутахассислари ўртасида семинар-теренинг машғулотларини ташкил этиш ҳамда талабаларнинг амалий машғулотларини ғазначилик бўлинмаларида ўтказишлари мақсадга мувофиқ бўларди.

Хулоса

Биз Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган ғазначилик фаолиятини назарий ва ҳуқуқий асосларига, унинг зарурлиги ва моҳияти, турлари ва усуллари таҳлилига таянган ҳолда ушбу мавзунини ёритишга ҳаракат қилдик.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилганидан сўнг бозор талабларига жавоб бера оладиган миллий бюджет тизими шакллана бошлади. Авваламбор, бюджет тизимининг ҳуқуқий асоси бўлган Конституция қабул қилинди, бюджет сиёсатининг институционал асослари бўлган давлат ҳокимияти идораларининг ҳуқуқий мақоми, молия-бюджет сиёсати соҳасидаги ваколатлари ва вазифалари белгилаб берилди.

Конституцияда мустаҳкамланган маҳаллий ҳокимиятларининг мустақиллиги, молия соҳасида қатъий ўзгартиришларни ва давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини босқичма-бюосқич жорий этиш йўналишларини тадқиқ этишни талаб қилади.

Иқтисодиёт тараққиётининг ҳозирги шароитидан келиб чиққан ҳолда бюджет назоратини такомиллаштиришнинг муҳим хусусиятли томонларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчидан, ижтимоий соҳа харажатларини ўз вақтида ва керакли миқдорда молиялаштириш учун бюджетга етарли бўлган тушумни таъминлаш;

Иккинчидан, аҳолини биринчи навбатидаги эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодий соҳаларни зарур даражада ривожлантиришни таъминлаш;

Учинчидан, ишбилармонлар хўжалик фаолиятини рағбатлантириш учун янада қулай шарт-шароит яратиб бериш зарурдир.

Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими жорий этилиши билан молиявий назоратнинг дастлабки ва жорий шакллари самарадорлиги кескин орттирилиши таъминланади.

Бунда шартномаларни тузиш жараёнида ҳали шартнома юридик кучга эга бўлмай туриб унинг назорати амалга оширилади. Бу эса, қонун бузилиши ҳолатлари юз бергандан сўнг айбдорларни топиб жазолашга қаратилган назоратдан воз кечиб, қонун бузилиши ҳолати юз беришидан аввал унинг олди олинлигини таъминлайди. Бюджет маблағларини олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчилар (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчилар) билан тузилаётган шартномалари сметада назарда тутилган маблағлар доирасида тузилиши таъминланиши, шунингдек, тўловларнинг фақат ғазначилик томонидан рўйхатга олинган шартномалар бўйича сметада кўзда тутилган маблағлар қолдиғидан келиб чиқиб тўланиши бюджет маблағини олувчилар кредиторлик қарзларини минималлаштиришга хизмат қилади.

Бу тадбирлар пировард натижада бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини кескин ортириш, бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш муддатларини тезлатиш ва ҳисоботларнинг сифатини яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида ғазначилик Институтини жорий қилиш масаласи яқин беш йилликларда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги ишларнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Ғазначилик тизимини жорий қилиш эвазига Республикада давлат молияси, жумладан маҳаллий бюджет ресурсларни бошқариш самарадорлигини оширишда жиддий илгари силжиш юз беради. Республикада давлат бюджетини ғазначилик ижроси жорий қилиниши бюджетни тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш ўрта маддатли фискал истиқболлик ва бюджет сиёсатини олиб боришни жорий қилиш бюджет ижроси сифатини солиқлар йиғиш фаолиятини такомиллаштириш ва харажатларни ғазначиликнинг ягона ҳисоб рақами принципи асосида амалга ошириш қисқа муддатли молиявий режалаштириш, яъни тўловлар режасини

жорий қилиш, ягона ахборот тизимини жорий этиш эвазига бюджет ижросини ҳисобга олиш ва ҳисобот тайёрлашни яхшилаш, давлат қарзини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва режалаштиришни такомиллаштириш имконини беради.

Юқоридаги фикрларимизда республикамызда олиб борилаётган бюджет, молия тизимидаги ислохотлар, бюджет ижросининг ғазначилик тизимини жорий қилиниши, ушбу ислохотлардан келажакда кутилаётган натижалар ва бугунги кундаги самараси хусусида тўхталиб ўтдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Ғазначилик-давлатнинг молиявий ресурсларини бошқаришнинг янги усулидир, Давлат бюджетининг барча даромадларини жамлаш ва тақсимлашдаги янгича тамойил ва механизмларни амалда қўллашдир. Қолаверса, бу бюджетнинг ҳар бир сўмини оқилона ишлатишни таъминловчи янгича механизмдир. Ҳар қандай янги механизм иш фаолияти давомида билим ва тажрибалар асосида такомиллашиб, мукаммаллашиб боради. Шу нуқтаи назардан ушбу механизмнинг элементар жиҳатлари асосида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблаймиз.

1. Бугунги кунда маҳаллий бюджетлар даромадларини ўз муддатларида тушишида маълум узилишлар бўлаётганлиги сабаби бюджетдан маблағ оловчи ташкилотларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлари тўловлари учун ҳар ойнинг 1-5 санаси оралиғида тақдим қилинган тўлов топшириқномаларини ўз муддатларида тўлаш имконияти чегараланмоқда. Ижро қилинмаган тўлов топшириқномаларини такроран тақдим этиш талаби бюджет муассасаларининг эътирозига сабаб бўлмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда ғазначиликка тақдим этилган тўлов топшириқномалари тақдим этилган кундан 10 кун муддатга қадар яроқлилиги жорий қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Бюджетдан маблағ оловчи муассасаларнинг моддий техник базасини инобатга олган ҳолда, бюджетдан маблағ оловчиларнинг шахсий

хисобварақларидан амалга оширилган тўловлар кўчирмасини (выписка) ўз муддатларида ҳисоботларда акс эттирилишини таъминлаш мақсадида, ушбу ҳужжатларни тегишли операциялар амалга оширилгандан сўнг ғазначиликда тўғридан-тўғри бюджет муассасасига электрон тарзда юборилса, бюджет муассасалари томонидан ҳисоботларни ўз вақтида (тезлаштиришга) ва сифатли тузишга ўзининг ижобий тасирини кўрсатади деб ўйлайман.

3. Бугунги кунда бюджетдан маблағ оловчи ташкилотларнинг ҳисобчилари аксарияти ўрта маълумотли, етарлича билим савиясига эга эмас бу эса, ваҳоланки ғазначилик билан боғлиқ операцияларининг асосий қисми бевосита шулар орқали амалга оширилади, уларнинг билим савияси етарли даражада эмаслиги айрим муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Шунини инобатга олган ҳолда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда ходимлар малакасини оширишда амалий ёрдамлар янада кўпайтирилса.

4. Ғазначиликда харажатлар тўловларини амалга ошириш нархлар билан боғлиқ томонлари жуда кўп, шу муносабат билан маълумотлар базасини тузиш ва янгиланган боришда Республика товар -хон ашё биржасидаги нархлар котиировкасини, Давлат Божхона қўмитаси маълумотларини, республикадаги юқори мавқега эга бўлган ишлаб чиқарувчилар ва ихтисослаштирилган реклама нашрлари маълумотларини ҳисобга олиниб ҳудудий Ғазначилик бўлинмаларига ҳеч бўлмаганда ойига 1 марта компьютер тармоқлари орқали етказиб берилса ёки бу борада қандайда бир электрон база шакллантирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ушбу тадқиқот ишимз якунида қуйидагиларни таклифларни бермоқчимиз:

1. Таклиф

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги ва Ғазначилик тизими тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлар бериб бориш ва мулоқатлар ўтказиш керак деб ўйлаймиз.

2. Таклиф

Ғазначиликнинг туманлардаги бўлинмалари моддий техник базасини яхшилаш, шунингдек, банк муассасаларидан, туман марказларидан узоқ масофада жойлашган бўлинмаларни уларга яқинроқ жойга кўчириш лозим деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикасининг расмий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -32б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Давлат бюджетининг Ғазначилик ижроси тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тўғрисида”ги Қонуни.// Халқ сўзи. 2000.14 январ.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т.,Ўзбекистон, 1999 Ўзбекистон Республикасининг Молия қонунлари. №7.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги”ги Қонуни.\\ Халқ сўзи. 2004. 29 октябр.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ва унга илова қилинган «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартиби».
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилиги тўғрисидаги низом»ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори.
9. Ўзбекистон Республикасида пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 8 октябрда 496-сон билан рўйхатга олинган).
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 19 февралда 1009-сон билан рўйхатга олинган).

11. Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинча Низом (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 5 майдаги 63-сонли буйруғи билан тасдиқланган).

12. Бюджет маблағларини тасарруф қилувчиларнинг (олувчиларнинг) шахсий счётларини очиш ва беркитиш бўйича вақтинчалик қоидалар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 24 июлда 1600-сон билан рўйхатга олинган).

13. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона счётлар режаси (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 майда 1570-сон билан рўйхатга олинган).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодиёт кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодиёт кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодиёт кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодиёт кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.

Махсус илмий адабиётлар

19. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.- 56б.

20. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада оширишдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -80б.

21. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -56б.

22. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёти йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

23. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгилаш ва иқтисодий ислохотимизнинг пировард мақсадидир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

24. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

25. Каримов И.А. Ўзбекистон – иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995.-269б.

26. Каримов И.А. “Ижобий ишларимизни охирига етказайлик”. \\\u041c\u0430\u0442\u0440\u0438\u0444\u0430\u0442 газетаси 1994. 28 сентябр.

27. Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”. Т.: Ўзбекистон, 1994. -20б.

28. Каримов И.А. “Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотларни йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз”.\\ Халқ сўзи 2004. 10 феврал №28.

29. И. Каримов. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твёрдой воли нашего народа. Узбекистан. НМИУ. 2004.

30. Гизатуллин Х.Н., Зарипова И.Р. Формирование и проблемы расширения самостоятельности местных бюджетов в условиях рыночных отношений. – 2-изд. Уфа, Институт экономики УрО РАН, 2001. -248с.

31. Дробозина Л.А. Общая теория финансов. М.: «Банки и биржи». 1999. - 431с.

32. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фан нашриёти. 2004. -244б.

33. Жумаев Н., Бурхонов У. Молиянинг долзарб муаммолари. Тошкент. 2003. -385б.

34. Иванова Н.Г, Маковник Т.Д. Казначейская система исполнения бюджетов. –СПб: Петер, 2001. -208с.

35. Исломова А., Эгамов Э. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Тошкент. Ўзбекистон. 2003. -216б.

36. Ковалёва А.М. Финансы. Учебное пособие для студентов экономических направлений и специальностей ВУЗов. – 3-изд. М.: «Финансы и статистика» 2001. -267с.

37. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. – Москва. Прогресс, 1978. -494с.

38. Маликов Т. Хайдаров Н. Молия: Умумдават молияси. Т.: “Иқтисод-молия”, 2009. 479б

39. Маликов Т. Жалилов П. Бюджет солиқ сиёсати. Т.: “Академнашр”, 2011.

40. Романенков А.И. Федеральное казначейство и бюджетная реформа. Псков: Псковский педагогический институт им. С.М.Кирова. 2000.

41. Финансы: Уч. Для вузов. Под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублёвской, Б.М.Сабанти, М.: Юрайт, 2000. -520с.

42. Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. Т.: “Шарқ” 1996. - 280б.

43.Пактика государственного управления ва Франции: Государственное Казначейства. Сборник документов Франко-российского сотрудничества №8. 255стр.

44. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Биринчи китоб. Тошкент. Ўқитувчи. 2002. -288б.

45. Шарифходжаев М.Ш., Сирождиддинова З.Х., Туляганова Н.Б. Бюджетная политика Республики Узбекистан. Учебное пособие. Ташкент. 2001. -90с.

46. Яҳёев Қ.А. ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз тўловлари. Назарий 1-қисм, Тошкент. Тошкент молия институти 1994. -38б.

47. Қосимова Г. Ғазначиликни ташкил этиш асослари, Т. : Молия 2005. - 275б.

Журналлар ва илмий тўпламлардаги мақолалар

48. Абруев У. Бюджетдан маблағ олувчиларни шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш қоидаларига шарҳлар. Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. 2008 йил 9 сон.

49. Аbruев У. Ўзбекистонда давлат бюджети ғазна ижросининг асосий мақсадлари ва ўзига хослиги. Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. 2008 йил 8 сон.

50. Алимухамедов Р. Казначейство: планирование и организация деятельности. Рынок, деньги и кредит №3-4 54-стр.

51. Деревянченко Т.А. Казначейство-государственный контролёр
исполнения федерального бюджета Финансы. 2000. №4 29-стр.

52. Нистеренко Т.Г. Завершается создание казначейской системы. \\\n
Финансы. 1998. №12

53. Пишков Б.В. сельский Казначейское исполнение муниципального бюджета: год спустя \\\ Финансы. 2000. №8 -13стр.

54. Смирнов А. Возражение и развитие казначейской системы исполнения бюджета. \\\Финансы. 1999. №2.

55. Хайдаров М., Эшназаров Т. Ғазначилик тизимининг аҳамияти. Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. 2007 йил 1 сон.

56. Қосимова Г.А. Ғазначилик тизимини жорий этишда хориж тажрибаси \\\ Бозор, пул ва кредит. 2003. №3. 25-29б.

57. Қосимова Г.А. Ғазначилик тизимини ахборот билан таъминлаш \\\ бозор, пул ва кредит. 2003. №6. 45-47б.

58. Қосимова Г.А. “Бюджет тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари”. “Ўзбекистон банк-молия тизими ислохотларини чуқурлаштириш муаммолари ва уни иқтисодиётни ривожлантиришдаги таъсирини кучайтириш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-молия Академияси. 2003. 3 июн. 409-411 б.

59. Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш ислохотлари. Жамият ва бошқарув. 4-сон. 46-48б.

60. Қосимова Г.А. Ғазна мажбуриятларининг хусусиятлари. \\\ Бозор, пул ва кредит. 2004. №7-8. 27-28 б.

61. Қосимова Г.А. “Ғазначилик тизимида ижтимоий соҳага ажратилган бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш”. “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ўсишини таъминлашда молия-кредит механизмларини самарадорлигини ошириш муаммолари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуманда Тошкент. Молия нашриёти 2004. 25 май. 248-250б.

62. Қосимова Г.А. Ғазначилик-бюджет тиниқлигидир. \\\ Мулкдор. 2004. 21май. 23(502)-сон 14б.

63. Қосимова Г.А. ғазначилик-бюджет ижросини таъминлашнинг янги усули. Иқтисодиёт ва таълим. 2004. 3-сон 85-87б.

64. Қосимова Г.А. Ғазначилик фаолиятининг ҳуқуқий базасини яратиш. Хўжалик ва ҳуқуқ. 2004. 12-сон.

65. Қосимова Г.А. “Ғазначилик тизимида ижтимоий соҳага ажратилган бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш. “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ўсишини таъминлашда молия-кредит механизмларининг самарадорлигини ошириш муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-молия Академияси. 2004. 25 май.

66. Қосимова Г.А. “Ғазначилик фаолиятининг ташкил этишнинг долзарб муаммолари”. “Ўзбекистон республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-Молия Академияси. 2005. 15 июн.

67. Наримонова С. Молиявий барқарорликни таъминлашда ғазначилик тизимининг тутган ўрни. “Рақобатдош кадрлар тайёрлашда мустақил таълим: жаҳон таълим тизими тажрибаси ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами, (ҳаммуаллифликда) Наманган НамМПИ, 2010. 198б.

«Internet» тармоғи тавсия этиладиган веб-сайтлар

68. <http://www.gov.uz> –Ўзбекистон Республикаси расмий ҳукумат сайти

69. <http://www.mineconomy.cc.uz> –Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

70. <http://www.mf.uz> –Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

71. <http://www.glossary.ru> –Иқтисодий терминлар

72. <http://www.bankofenglang.co.uk>

73. <http://www.federalreserve.gov>

74. <http://www.cer.uz>

75. <http://www.review.uz>

- 76. <http://www.uzland.uz>
- 77. <http://www.nalog.ru>
- 78. <http://www.finansy.ru>
- 79. <http://www.finance.rambler.ru>

Аннотация

Республикаимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мажмуида давлат молиясини бошқаришнинг янги тизимини шакллантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолган эди. Шунинг учун, мамлакатимизда қатор йиллар мобайнида давлат молиясини бошқариш тизими ислоҳ қилиб келинмоқда.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимининг жорий қилиниши бюджет маблағлари олувчиларини ғазначилик ҳукмронлигига боғлаб қўймайди, балки давлат бюджети маблағларининг бюджет интизомига катъий риоя қилган ҳолда сарфланишини таъминлайди холос. Яъни муассаса ва ташкилотлар - бюджет маблағларини олувчилар - ўзларига ажратилган маблағларни фақат бюджетда кўзда тутилган, бюджет маблағларидан фойдаланувчиларнинг харажатлар сметасига киритилган ва молия органларида рўйхатга олинган мақсадларда фойдаланиши мумкин.